

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида УДК: 1Ф+957,51

ББК: 87,3(0)

X – 87

ХУДОЙҚУЛОВ ДУРБЕК УРАЛОВИЧ

**“Фахриддин Розийнинг фалсафий
дунёқараш, меъроси ва баҳс - мунозаралари”**

5A220102 – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ВА ТАРИХИ
МУТАХАССИСЛИГИ

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Аннотация

Ушбу магистрлик диссертациясида буюк мутафаккир, файласуф Фахриддин Розийнинг фалсафий, мантикий, ижтимоий қарашлари, динга бўлган муносабатини фалсафий меъроси, дунёқараш ва ўзига хос баҳс-мунозара усули тадқиқ этилган.

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори профессор Имамалиева Р.М.

Тошкент – 2011

Кириш	3
I.БОБ. Фаҳриддин Розий яшаган давр, диний-фалсафий, илмий-маданий ҳаёт	8
1.01. Алоуддин Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳ даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти.....	8
1.02. Фаҳриддин Розийнинг ҳаёти ва ижоди, диний фалсафий меъроси.....	23
II.Боб. Фаҳриддин Розий йирик мутакаллим ва файласуф сифатида	37
2.01. Фаҳриддин Розийнинг каломий таълимоти.	37
2.02. Фаҳриддин Розийнинг диний-фалсафий дунёқарашига оид баъзи чизгилар.	46
III.Боб. Фаҳриддин Розийнинг “Мабоҳис ул-Мушриқия” асаридаги фалсафий ғоялар	54
3.01. “Мабоҳис ул-Мушриқия”нинг қўлёзма нусхалари ва нашрлари фасл боблари.....	54
3.02. Фаҳриддин Розийнинг мантиқий қарашлари ва унинг мазмуни.....	58
Хулоса	67
Фойдаланилган адабиётлар	70

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратилди. Осори-атиқаларимизни асраш, миллий кадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқлама ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм-фан арбоблари ижоди ва фаолиятини инкор этишдек нотўғри усуллардан воз кечишга имконият яратилди.

Бирон-бир миллат одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ўрганмай ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Ҳозир Ўзбекистон, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда.¹

Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асоси мана шу заминда яратилган, сайқал топган.²

Президентимиз Ислоом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавият ва иқтисодни бамисоли учиб кетаётган қушнинг икки қанотига ўхшатади. Қушнинг битта қаноти иқтисод бўлса, биттаси маънавият. XX асрнинг охирларига келиб, маънавият – ахлоқий муаммо ҳам глобал тус ола бошлади. Ушбу муаммони ҳар томонлама ҳал этишда Шарқ мамлакатларида минтақа ахлоқига хос бўлган ғоялар, қарашларга мурожаат этиш аҳамиятлидир.³

Бешафқат давр синовларидан омон қолган қадимги тош битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримизда сақланаётган қўлёзмаларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид

¹ Каримов Ислоом Абдуғаневич. XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарангорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент. Ўзбекистон 1997. 34-бет.

² Каримов Ислоом Абдуғаневич. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Том. 7. Тошкент – Ўзбекистон. 1999. 132-134 бет.

³ Каримов Ислоом Абдуғаневич “Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2009, 38-бет

ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик ката меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олади.

Маданий меросимизни ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланган. Ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини, шаклланиш босқичларини очиб бериш зарур.⁴

Бу эса ўз навбатида, миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат эътиборини, халқ меҳнатига ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажакни оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

Шарқ мамлакатлари, Шарқ фалсафаси, Шарқ мўъжизаси жаҳон цивилизацияси бугунги тараққиётга катта ҳисса қўшган. Буюк Шарқ юзлаб, миглаб шоиру адабиётшуносларни ва уламоларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай буюк мутафаккирлардан бири Фаҳриддин Розийдир.⁵

Фаҳриддин Розий калом илмини, фалсафани ва мантиқни ҳар томонлама ривожлантирди. Жумладан бу даврда Марказий Оиёда янги калом таълимотини кенг ёйилишига хизмат қилди ва уларни мантиқий асослаб берди. Бу мавзуга оид қатор рисоалар яратди. Шу жиҳатдан, Фаҳриддин Розийни илм-фалсафага моил буюк илоҳиётчи (мутакаллим) деб биламиз.

Шундай қилиб, Фаҳриддин Розий асарларида умум инсоний қадриятлар – илмга интилиш, билимли бўлиш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий покланиш, ахлоқий камолга эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун бахт-саодат, дўстлик биродарлик ғоялари олға сурилди. Бу ғоялар Фаҳриддин Розий асарларининг асосий мазмунини ташкил этади. Шунинг

⁴ Каримов Ислоҳ Абдуғаневич. “Ўзбекистон Буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон 1998, 524-526 бет.

⁵ Каримов Ислоҳ Абдуғаневич. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. Ўзбекистон 1992, 72-бет.

учун ҳам, буюк мутафаккирнинг ижодини таҳлил қилиш бугунги кунда ҳам доимо долзарб масала бўлиб қолади.⁶

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фаҳриддин Розийнинг ижоди фалсафий қарашлари унинг кўпгина замондошлари ва кийинги давр тадқиқотлари қолдирган тарихий манбаалари қайд қилинган. Буюк Шарқ мутафаккирлари томонидан маънавий мероси ўзига хос услубда, ўз замонасига мос равишда атрофлича таҳлил қилинган. Олимнинг дурдона фикрлари бугунги кун талабларига кўра ҳам ўз илмий-манбавий қиймати ва аҳамиятини йўқотмаган.

Жумладан Фаҳриддин Розий ижоди, ҳаёти, фаолияти, меъроси ва дунёқарашини ёритувчи Афғонистонлик олим Моил Херавий, Ўзбекистонлик, Тожикистонлик, Озарбайжонлик ва Россиялик олимлар Н.Наимов, Н.А Кулматов, М.Н.Болтаев, С.Н.Григорьян, И.П.Петрушевский, М.Диноршоев, А.Зоҳидов ва бошқаларнинг тадқиқотлари, рисоалари ва мақолаларида таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотларда буюк мутафаккирнинг дунёқарашини, баркамол инсон ҳақидаги таълимоти, ижтимоий-ахлоқий мероси ўрганилган.

Биз ҳам ушбу магистрлик диссертациямизда Фаҳриддин Розийнинг фалсафий, мантиқий, ижтимоий қарашларини, динга бўлган муносабатини фалсафий меъроси, дунёқарашини ва асл (оригинал) баҳс-мунозара усулини баҳоли қудрат, имкониятимиз даражасида ёритишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади буюк мутафаккир, файласуф Фаҳриддин Розийнинг ҳаёт йўли фаолияти, фалсафий дунёқарашини, меъроси ва баҳс – мунозараларини таҳлил қилишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

-Фаҳриддин Розийнинг ижоди, унинг дунёқарашини шаклланишига туртки бўлган назарий ғоялар манбалар асосида ўрганилди;

-Фаҳриддин Розийнинг дунёқарашига таъсир этган омилларни ҳамда ўша

⁶ Каримов Ислон Абдуғаневич. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. том 7. Тошкент: Ўзбекистон 1999. 132-134-бет.

даврда унинг фалсафасига бўлган турлича муносабат таҳлил қилинди;

-Фахриддин Розийнинг мантиқий ва ахлоқий қарашларида инсонпарварлик ғоялари, адолат ҳақидаги фикрлари, таҳлил этилди;

-Фахриддин Розийнинг динга, мазҳабларга бўлган муносабати дин, шариятни илм фан, фалсафа, тасаввуф билан уйғунлаштирувчи роли ва аҳамияти очиб берилди, атрофлича ёритилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарлари, Фахриддин Розийнинг асарлари, Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг Розий ижодига оид тадқиқотлари, турли йилларда нашр этилган илмий-монографик рисоалар, ушбу магистрлик диссертациянинг илмий-манбаавий заминини ташкил этади.

Тадқиқотнинг услублари сифатида илмий объективлик, холислик, тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, герменевтик таҳлил, ворисийлик, умуминсонийлик ва миллийликнинг уйғунлиги, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унинг хулосаларидан фалсафий – ахлоқий тафаккур муаммо, шахсиятларини ўрганиш доирасини кенгайтиришда, фалсафа тарихига, диншуносликка, маданиятшуносликка оид адабиётларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу иш ҳозирги кунда турли таълимотларни ўрганиб, атрофлича таҳлил қилиб, замонамиз талабига биноан тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради. Ушбу магистрлик диссертация иши ёшларимизни илмий-маънавий дунёқарашларини кенгайтиришда, баркамол инсон қилиб етиштиришда катта аҳамиятга эга.

- 1) Фахриддин Розийдек файласуф, мутафаккирнинг шаклланиши, тажрибаси кейинги авлод файласуфлари учун намунадир;
- 2) Илоҳиёт, фалсафа муаммоларга қандай қизиқарли, кескин ва

оригинал баҳс-мунозаралар олиб бориш, ташкил этиш, Воизлик маҳоратини қандай шакиллантириш йўл, усул, воситаларини ўрганиш;

- 3) Фаҳриддин Розий каби носоғлом, мутассиб, экстремистик диний бидъат мазҳабларга қарши чапдаст ва ҳозиржавоб қандай кураш олиб бориш мумкинлигини ўрганиш;
- 4) Фаҳриддин Розий меъросидан, айниқса унинг фалсафий баҳс-мунозаралари, диний бидъат мазҳабларига қарши кураш усул, воситаларига оид материаллардан ўқув-услубий қўлланмалар тузиш, нашр этиш;
- 5) Ана шу асосда Олий Ўқув Муассасаларини даргоҳларида маҳсус курслар ўқиш.

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотнинг апробациядан ўтиш ва тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши:

- Мавзу кафедрада 2010 йил 15 сентябрда тасдиқланган.
- Илмий раҳбар этиб Имомалева Раъно тавсия этилди ва тасдиқланди.
- Кафедра йиғилишида 2010 йил 24 ноябрда муҳокамадан ўтди.
- 2011 йил 13 апрелда Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти “Фалсафа” кафедрасида дастлабки ҳимоя бўлиб ўтди.
- Ҳимояга илмий раҳбар, ташқи ва ички тақризчилар, кафедра раҳбари томонидан тавсия этилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Магистрлик диссертация илмий ишга кириш, учта боб, олти бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.Боб. Фаҳриддин Розий яшаган давр, диний-фалсафий, илмий-маданий ҳаёт.

1.01. Алоуддин Такаш ва Муҳаммад Хоразмшоҳ даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти.

Тарихий асарлар, ватандошларимиз ва чет эл олимларнинг ишларида, баён этилишига қарамай бу давр тарихи хусусан Фаҳриддин Розий яшаган давр жуда кам ўрганилган.

Бу давр ҳақидаги баъзи маълумотлар аввалги тарихчилар, ватандошларимиз ва чет эл олимлар, шунингдек, Фаҳриддин Розийнинг баъзи бир асарларида берилади.⁷ Ана шу асарларга, баъзи мутафаккирларнинг рисолаларига таяниб, биз бу давр ижтимоий-тарихий шароитини қисқача ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ватандошларимиз ва чет эл олимларининг тадқиқотларига қараганда, Фаҳриддин Розий яшаган давр Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа Марказий Осиё халқлари тарихида шонли ва айна пайтда жуда мураккаб ва оғир босқич бўлган.

Биз куйида кўриб чиқадиган тарихий босқичимиз, турли ҳукмдорларнинг босқинчилик юришлари, феодалларнинг ўзаро кураш ва фитналари, ислом дини вакилларининг ўзаро мафкуравий ва диний курашлари натижасида Ўрта ва Яқин Шарқнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари қонли кураш майдонига айланди ва бу курашлар кўплаб даҳшатлар ва қашшоқликларни ўзи билан олиб келди.

Бу босқич тасвирларни Афғонистонлик олим Моил Хиравий чизар экан, шундай ёзади: “XII аср Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари учун энг оғир аср бўлган. Бу даврда турли ҳукмдорларнинг босқинчилик юришлари, ислом тарафдорлари ва турли гуруҳларнинг мафкуравий курашлари жиддий характер касб этди. Бу Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудининг муғиллар томонидан

⁷ История народов Узбекистон. Том-1. 1950. с. 36

бостириб забт этишига сабаб бўлди”.⁸

Бу давр тарихий шароитини Фаҳриддин Розий шундай таърифлайди:

Сар то сари дахр ҳеч осайиш нест
Вар хаст, ҳамон бесару поён доранд.⁹

Мамлакатнинг ҳеч қайси ҳудудид осойишталик йўқ
Бор бўлса ҳам, на боши бору ва охири бор.

Ана шундай оғир шроитда етакчи ўрта аср мутафаккири Фаҳриддин Розий яшади ва ижод қилди. Бу даврда Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда Қорахонийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмдорлик қилиб, улар бу ҳудудларни муғуллар юришлари бошлангунга қадар бошқарганлар.

Трихдан маълумки X асрда Ўрта Осиё Қорахонийлар томонидан эгалланди ва улар бу ҳудудни ўз қўлларида деярли 200 йил ушлаб турдилар. Бу сулоланинг биринчи ҳукмдори Буғрохон ва сўнги ҳукмдори Арслонхонлар даврида кўплаб юришлар уюштириб, ўз қўшниларига қарши тинимсиз жанглар олиб бордилар ва ўз ҳудудларини Қошғардан Амударёгача кенгайтirdилар. Бу юришларига босиб олинган мамлакат аҳолиси жалб қилинди. Бу юришлардан Ўрта Осиё ва Эрон аҳолисининг катта қисми азият чекди. Улардан қорахонийлар ҳукмдорлиги давридаги беҳисоб юришлар маҳаллий аҳолини эзди, мол-мулк талон тарож қилинди, шаҳарлар ва қишлоқлар вайрон этилди, аҳолининг яшаш жойларига ўт қўйилди, суғориладиган воҳалар чўлларга айлантирилди.

Қорахонийларнинг юришлари, деб ёзилади, “Ўзбекистон халқлар тарихи” китобида; мамлакатнинг деҳқончилик ҳудудларининг қизгин ҳаёти тараққиётини сулаштиргани маълумдир. Моварауннаҳр, айниқса Зарафшон водийсидаги кўплаб далалар ва боғлар йўқ қилинди.¹⁰

⁸ Моил Херавий. Шарҳи хол ва зиндаги... 1 сах.

⁹ Чахордах рисола. Техрон, 1340.г. Хижрий, 145 сах.

¹⁰ История народов Узбекистон, т-1, Ташкент, 1950. с. 292.

Қорахонийлар юришлари нафақат Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарлари ва кишлоқларини, балки уларнинг аҳолисининг ҳам азият чекишига олиб, келди. Бу азият излари фақатгина кўчманчиларнинг тинимсиз ҳарбий юришлари билангина эмас, балки зироаткор аҳолини тинимсиз эксплуатация қилиш билан бирга давом этарди. Қорахонийлар даврида Ўрта Осиё ва Эронда ерга эгалик қилишнинг шартли “Иқтоъ” (Сюрғол) бериш усули ривожланди. Ерни ҳарбий хизматлари учун ойлик маош, таъминот манбаи сифатида тақсимлаш тизими ривож топди. Қорахоний ҳукмдорлар бу тартибдаги ер тақсимлаш ҳуқуқини ўз фойдаларига маълум миқдордаги пул олиш ёки бошқа табиий мажбуриятларни бажартириш орқали мустаҳкамлар эдилар. Мулкларни ва суғориладиган ерларни кўпчилик қисми Ўрта Осиё ва Эрон деҳқонларидан тортиб олинган эди. Айниқса, Зарафшон водийсида вазият оғир тус олган эди.

Ўрта Осиё ва Эрондаги ўша давр вазияти ҳақида Фаҳриддин Гургонийнинг қуйидаги сўзлари гувоҳлик беради:

Зи дехаҳои мардумон овора гашта,
Хама бе тушаву бечора гашта.¹¹

Одамлар мол-мулклари қўлдан-қўлга ўтиб овора сарсон,
Ҳамма бетушову, қашшоқ-бечора сарсон.

Қорахонийларнинг бундай сиёсатлари, биринчидан халқ оммасини хонавайрон бўлиши ва қашшоқлашишига, иккинчидан уларнинг ўз ҳукмдорларга қарши қаҳр ғазабининг норозиликларининг кучайишига, ҳукмдорларнинг зулмига қарши ва уларнинг мустабид тузимига қаршиликни кучайишига олиб келди.

Ўрта Осиё ва Эрон меҳнаткаш аҳолисининг аҳволи ”буюк Салжуқийлар” даврида ҳам яхшиланмади. Бизга маълумки, XI аср ўрталарида бутун Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари Салжуқийлар томонидан эгалланган эди. Улар тезлик билан бутун Форс, Ироқ, Ожарбайжон, Қурдистон, Арманистон,

¹¹ Фаҳриддин Гургоний. Вис ва Ромин. Техрон.1314. хижрий йил, 8 сах.

Кичик Осиёни эгалладилар. Шарқда улар Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарлари: Балх, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Хоразмни эгаллаб, уларни ўз давлати ҳудудига бирлаштирдилар. Шу билан биргаликда улар кейинги ўрта асрларда Қорахонийларнинг ўзини ҳам ўз вассалларига айлантirdилар Салжуқийлар Яқин Шарқдаги энг йирик ўрта аср ҳарбий-феодал давлатларидан бири эди.

Салжуқийларнинг босқинчилик юришлари ва сиёсатлари аста секин Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларининг тараққий этишига, маданий ҳаёт, илм-фан, фалсафа, бадиётнинг гуллаб-яшнашига олиб келди.

Низом ул-Мулк ўзининг ”Сиёсатнома “ асари мазкур сиёсатнинг бош гоёя, принципларини асослар экан бир қанча мисоллар орқали бир томондан халқнинг оғир турмуши, иккинчи томондан эса ҳукмдорлар ва уларнинг мансабдорларининг тўқ-фаровонликда яшаб, ўз сарой, юртларида маданият, илм-фан, бадиёт, диний фалсафий фикрни гуллаб-яшнатганликларини кўрсатиб беради! У қудратли давлат, идора ва бошқарув, илм-фан, маданият, сиёсат, дин ва фалсафанинг гуллаб яшнаши учун адолатли қонунлар, қаттиқ қўллик билан аҳоли барча қатлам, табақалари ўртасида уйғунлик бўлишини тақоза этади деб кўрсатиб берган эди.¹²

Давлат бошқаруви, феодалларнинг халқни шафқатсиз эзиш ва мамлакат ободончилигига етказилган путур ҳақида етакчи озарбайжон мутафаккири Низомий Ганжавий ўзининг гўзал шеърларида султон Санжарнинг қаттиққўл сиёсати ҳақида шундай деб ёзади:

Сен турар жойларни қулатдинг

Дехқон буғдойини бошоғидан қоқиб туширдинг

Лекин шуни эсда тутки, ер ўлмасдир

Ўз ўлимингни қаср деворлари орқасидан топ.

Салжуқийлар ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимий цивилизацияга эга халқини устидан уларнинг обрўсини таъминловчи ўз армияси орқали ҳукмронлик қиларди. Салжуқийлар доимий равишда янги

¹² Низами Ганджави. Сокровища тайн, Баку.1947. с. 67.

ерларни истило қилиш, босиб олган ерларини эса ҳимоя қилиш билан банд бўлардилар. Бундай шароитда меҳнаткаш омма, айниқса деҳқонларнинг аҳволи ачинарли тус ола бошлади.

Тарихчи А.Я. Якубовский бу давр шароити ҳақида шундай ёзади: “Буюк салжуқийлар давлати Эрон халқларини янги сиёсий асоратга солиб, бирига қарши феодал муносабатларни чуқирлаштирди, шунингдек мусулмон жаҳолатпарастлигининг кучайишига олиб келди.”¹³

Салжуқийлар юришлари ва у билан биргаликда феодал зулимнинг кучайиши Эрон, Ўрта Осиё ва бошқа кўплаб ҳудидлардаги аҳоли орасида ижтимоий муносабатлар, вазиятнинг зиклашига олиб келди. Ва бу ҳудудларнинг аҳолиси Салжуқийлар давлатининг оғир солиқлар олишга асосланган сиёсати ва шафқатсиз идора ва бошқарувидан оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. Салжуқийлар мамлакатнинг ички ва ташқи душманлари билан муваффақиятли кураш олиб боришига қарамай, давлатнинг аввалги қудратини сақлаб қола олмадилар. Шундан сўнг тарих сахнасига Ғурийлар давлати чиқди. Ғурийлар ҳам бир неча давлатларни ва ҳудудларни босиб олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ғурийлар ва Салжуқийлар давлати кучсизлангандан сўнг хоразмшоҳлар давлати кучая ва ўса бошлади.

Хоразмшоҳлар давлатининг асосчиси Отсиз, айниқса Такаш даврида Хоразм, Моварауннаҳр ва Эроннинг сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнай бошлади. Ануштегиннинг набираси Отсиз (1127-1156) Хоразмни Салжуқийлар давлатидан мустақил давлатга айлантиришга ҳаракат қилди. У ерларни эгаллашни давом эттириб буюк Хоразмшоҳлар давлатини юксалишини бошлаб берди.

Отсиз Хоразмнинг тўла мустақиллигига эриша олмаган ва қорахитойларга ўлпон тўлашни давом эттиргани ҳолда 1156 йил 30 июлда вафот этади. Навбатдаги ҳукмдор Ил Арслон (1156—1172 йиллар) иккита жабҳада оғир кураш олиб борди. У Хуросонни бўйсундиради.

¹³ Материалы научной сессии Академии Наук Уз.ССР, посвященной 1000-летию юбилею Ибн Сины. Ташкент. 1953. с. 29.

Озарбайжонда ўрнашиб олади, у ерда аввалги ҳокимни вассал қилиб қолдиради. Аини вақтда у Хоразм ҳамон ўлпон тўлаб турган қорахитойларга қарши оғир кураш олиб боради. У мағлубиятга учрагани, Мовароуннаҳрда ўрнашиб ололмагани, қора хитойларга ўлпончи бўлгани ҳолда 1172 йилда вафот этади.¹⁴

Унинг катта ўғли Такаш қорахитойлар мадади билан тахтни эгаллаганди, уларга ўлпонни ўз вақтида тўлаб туришни ваъда қилади, лекин тез орада, ўлпон олгани келган амалдорларни ўлдиришни буюради. Такаш отаси сингари ўз давлати ҳудудларини кенгайтириш сиёсатига зўр берди. 1187 йил май ойида у Нишопурни босиб олади. Хуросоннинг анчагина қисми хоразмшоҳлар мулкига қўшиб олинди. Такаш ўз ўғли Маликшоҳни Нишопур ҳокими этиб тайинлайди.

Эндиликда Такаш анча кенг кўламли даъволар қилиш имконини берадиган унвонларни ўзлаштириб олишга аҳд қилади. 1189 йил 4 июлда Радекон шаҳрида унга султон Ил Арслон ўғли, Отсиз набираси Такашхон унвонини бериш маросими ўтказилиб, у «Жаҳон мулкдори», «Коинот ҳукмдори» ва «Жаҳон ҳазрати» бўлиб қолади. У мазкур унвонларнинг хотиржам соҳиби бўлгунча орадан яна тўрт йил ўтади.

Отаси ҳаётлик вақтидаёқ ўз меросхўри этиб тайинлаган оғаси Султоншоҳнинг борлиги Такаш учун катта хавф бўлиб турар эди. Такаш томонидан тор-мор қилиниб, қувиб юборилган Султоншоҳ 1172 йилдан 1193 йилгача 20 йил мобайнида Хоразм тахти учун курашда мадад излаб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда сарсон бўлди. Оғам менинг-душманам иккала оға-ини муносабатини ана шундай аниқ таърифласа бўларди.

Султоншоҳ Такашнинг ҳар бир қадамини сергаклик билан кузатар, у юришга жўнаб кетиши билан Хоразмни эгаллаб олишга уринарди. Лекин ҳар сафар муваффақиятсизликка учрарди. Ниҳоят, 1193 йилда Такаш ўз хавфли қариндошини узил-кесил бир ёқли қилишга аҳд қилади ва унинг сўнгги таянчи бўлган Сарахс устига ҳужум бошлайди.

¹⁴ Зиё Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегенидов. М., 1986, с. 52.

Султоншоҳни бутун хазинаси билан бирга топширган Сарахс хонбошисининг хоинлиги бу курашнинг узил-кесил натижасини белгилаб берди. Хоинликдан хабар топган Султоншоҳ юрак зарбига учраб, 1193 йил сентябрида хушига келмай вафот этади. Такаш таркибига Хуросон, Ҳирот ва Марв кирган янги улкан давлатнинг ҳукмдори бўлиб қолади.¹⁵

Лекин Хоразмга осойишталик насиб этмайди. Қорахитойлар ҳали шу ерда бўлиб, улуғвор ислом салтанати (империяси)ни барпо этишдек мағрурона режалар ҳали рўёбга чиқмаган эди. Такаш бу режаларни амалга оширишга ғайрат билан киришиб кетади. Унга катта армия керак эди, лекин Такаш уни Хоразмда тўплай бошлади.

1)Кўчманчи Дашти Қипчоқдан Туркан Хотун уруғ-аймоқларининг тинимсиз оқиб келиши, қўшилиши;

2)Хоразм ва бошқа маҳаллий ўтроқ аҳоли минтақасини сафарбар қилиш йўли билан. Унинг бахтига Хоразм аҳолиси азал-азалдан жанговорлик, ватанпарварлик ҳарбий қўшин тузиш қадимий анъаналарига эга эди.

Такаш аскарлар излаб, умрининг катта қисмини от устида ўтказган, қўшинларга қарши қилган шиддатли ҳамлалари билан донг таратган, эпчил дашт суворийлари бўлган қипчоқлар ҳузурига боради. Улар билан мустаҳкам иттифоқ тузиш учун Такаш қипчоқлар хони Жонкиши Туркон Хотуннинг қизига уйланади. Бу қиз Баёт қабиласидан бўлиб, у ўзи билан Хоразмга уронийлар, қарлуқлар, уграклар ва холажлар сингари йирик турк қабилаларини бошлаб келади. Улардан ҳарбий феодал зодагонлар табақаси ажралиб чиқадики, у хоразмшоҳларнинг Мовароуннахр ва Ўрта Шарқда ўрнашиб олиш учун олиб борган урушларида зарбдор куч бўлади.

Хоразмшоҳларнинг ҳарбий қудрати тўғрисидаги миш-мишлар Бағдодга ҳам етиб боради ва ўз сиёсатига содиқ бўлган халифалар салжуқийлар билан хоразмшоҳларни бир-бирига қарши гиж-гижлашга аҳд қиладилар. Халифа ан-Наср (1180—1225 йиллар) 1194 йилда ўз мулкларига бостириб кирган салж уқийларининг сўнгги султони Тўғрул устидан Такашга шикоят

¹⁵ Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ар Раванди. “Роҳат ус-судур ва оят ус-сурур” Техрон.изд. Иқбол. 209-285 сах.

килади мактуб билан биргаликда халифа Тўғрул мулкидаги ҳамма ерларни икта сифатида армуғон қилиши тўғрисидаги фармонни ҳам юборади.

Такаш ҳамма вазиятларни яхши ҳисобга олиб, ўзи таваккал қилмаётганига ишончи комил бўлгач, юришни бошлайди. 1194 йил 4 мартда Рай шаҳри яқинида бўлган жангда Тўғрул кўшинлари тор-мор қилиниб, ўзи ўлдирилди. Унинг Бағдодга юборилган боши шаҳар деворига осиб қўйилади. Шу вақтдан эътиборан Ғарбий Эрон ҳам хоразмшоҳлар мулкларига қўшиб олинади.

Лекин энди Такашни Бағдодгача етиб бориш иштиёқидан тийиш қийин эди ва у олти йилдан кейин халифаликни бўйсундириш мақсадида янги юриш қилади. Бироқ у Хоразм билан Нишопур ўртасидаги ярим йўлда тўсатдан вафот этади ва пухта ҳозирлик кўрган кўшинлар орқа қайтарилади. Ушанда 1200 йил эди.

Такаш даврида хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий феодал ташкилоти таркиб топган эди. Яхши таълим кўрган ва қуролланган, ҳарбий қисмларда тўпланган, асосан турк жангчиларидан иборат бўлиб, қабила белгисига кўра тузилган улкан армия барпо этилганди. Армиянинг доимий сони 150 минг кишилик суворий жангчиларгача етиб борар, яна 200 минг жангчи бўлиб, уларни резерв ҳосил қилган ҳолда бир неча кун ичида йиғиб олиш мумкин эди. Бунга яна юз минг кишилик халқ лашкарлари ҳам қўшиларди, чунки тарбия иши шундай йўлга қўйилган эдики, хавф туғилган тақдирда бутун катта ёшли аҳоли жангчиларга айланарди. Ҳар ким болалигидан от минишга ва қурол тутишга ўргатилар эди, натижада хоразмшоҳ биргина Гурганжда бир кечада ўттиз минг суворийни йиғиб олиши мумкин эди.

Мунтазам қисмлардан ташқари хоразмшоҳлар мамлуклар (қул жангчилар)дан иборат шахсий гвардия (харос) га ҳам эга эди. Бу гвардияда ўн минг киши бўлиб, унинг функциясига хоразмшоҳни ва унинг оиласини кўриқлаш кирарди, шунингдек ундан кўпинча жазо экспедициялари ва савдо карвонларини кузатиб бориш учун фойдаланиларди. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида армия халқ лашкарлари билан тўлдирилар, улар ҳалок

бўлган жангчилар ўрнини қоплар эдилар. Улар мукофотланмасдилар, талон-торож ва босқинлар ҳисобига яшардилар. Ҳар бир отрядга жангчилар оилалари ҳам эргашиб борар, жангларида кўпинча ҳарбий либослар кийган аёллар ҳам қатнашарди.

Армия кўмондони “Муқаддам” деб аталиб, энг садоқатли ва шахсан ҳарбий жасорат кўрсатган қобилиятли турк Беклардан тайинланарди. Бу лавозим одатда қарлуқлар бошлиқларига берилиб, улар мазкур лавозимни эгаллашдан олдин ҳукмдорнинг сингиллари ёки жиянларидан бирига уйланишлари лозим эди. Армия ўн минг кишилик бўлинмаларга ажратилган бўлиб, уларнинг кўмондонлари “Малик” деб аталарди. Разведка ва тарғибот армияда катта ўрин тутган. Ташвиқот бошқармаси тепасида кўшин қозиси бўлган лашқари ҳазрат турарди. Янги ерлар ва ёки вилоятлар босиб олинганда хоразмшоҳ жангчилар ва зобитларга иқта тариқасида ўша ерларнинг бир қисмини тарқатар ҳамда улар устидан бошлиқ белгиларди. Шундай йўл билан истилочиликдан шахсий манфаатдорлик вужудга келтирилар ва юқоридан туриб йирик ер-мулклар яратиларди.

Хоразмшоҳ кўшинларида одатдаги қуроллардан ташқари камал машиналари ҳам бўлиб, улар яхши мустаҳкамланган шаҳарларни осонликча эгаллаш имконини берарди. Улар орасида катапультлар, камал машиналари даббабат («тошбақалар»), яъни ҳаракатчан миноралар, таранлар, ҳужум нарвонлари ажралиб турардики, булар, Такаш ёрлиғига кўра, «оловдан даҳшатлироқ, шамолдан кўра тезроқ эди».¹⁶

Душман босқинига қарши мустаҳкамланган кўрғонлар барпо этилган бўлиб, уларда қурол-яроғ ҳамда садоқатли қисмлардан иборат кўшин турарди. Улардан энг кучлиси Хазорасп эди, у ҳам қурол-яроғ омбори, ҳам кўшин асосий қисмининг асосий ётоқхонаси хизматини ўтарди. Бир араб муаллифи «унинг аҳолиси «Жанг» юлдузи остида туғилган ҳамда найза ва қилич сутини эмган эди», деб ёзади.

Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий системаси давлат ишларини

¹⁶ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегенидов. М., 1986, 47-бет.

уюштириш ва ички бошқарув билан шуғулланувчи анча самарали давлат машинасига таянар эди. Девон (канцелярия) бош идора ҳисобланарди. Унинг тепасида ҳукмдордан кейинги энг нуфузли аён бўлган Вазир турарди. Ички ва ташқи сиёсат, «кадрлар сиёсати» унинг ихтиёрида бўлиб, барча амалдорларнинг тақдири ўшанинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлган эди. У солиқлар бошқармасини ва хазинани назорат қилиб, доимо ҳукмдор ҳузурида бўлиши керак эдики, бу ҳукмдорга анча таҳликасиз бўлиб кўринарди. Араб ва форс тилларини билиш вазир танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигидан хоразмшоҳлар вазирлари, одатда, хизматдаги араб-форс амалдорлари муҳитидан чиққан бўлиб, улар орасида турк зодагонларининг биронта ҳам вакили йўқ эди.

Турк зодагонлари, одатда, улуғ хожиб лавозимларини эгаллаб, хоразмшоҳнинг энг муҳим топшириқларини бажарар ва ҳамма жойда унинг ҳузурида бўлардилар. Устоздор сарой, ошур-охур, отхоналар харажатларини олиб борар, ҳукмдорнинг мириладиган отларига қарар, амир шикор овга бошчилик қилар, таштдор ҳукмдор таҳоратхоналари ва ҳаммом буюмларини асрар эди. Таштдорлар султоннинг барча пинҳоний ишларидан хабардор бўлганликлари учун унга жуда яқин турардилар. Шаробдорлар сарой шароби ва қанд-шакари билан шуғулланар, жашнигирлар ҳукмдор захарланиши олдини олиш учун хоразмшоҳга бериладиган озиқ-овқат ва ичимликни татиб кўрар, фаррошлар унинг тўшак анжомлари, гиламлари ва чодирларига қарардилар. Киссадорлар алоҳида ўрин эгаллаб, улар султон номига берилган сўров ва шикоятларни ҳафта давомида йиғар ва уларни пайшанбадан жумага ўтар кечаси унга элтиб, кейин сўровчи ва шикоятчиларга жавобни маълум қилардилар.

Хоразмшоҳлар савдо тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатардилар. Такашнинг сақланиб қолган бир фармонида олис ва яқин жойлардан келган барча турк ҳамда ажнабий савдогарларга бирдек одилона муносабатда бўлиш, савдо-сотик битишувларига тўсқинлик қилмаслик, йўллар хавфсизлигини таъминлаш, савдогарлар моллари ва ҳаётини босқинлар

ҳамда зўравонликлардан муҳофаза қилиш буюрилган эди. Йўллар ва айниқса карвон йўллари қўриқланишининг яхши ташкил этилганлиги ички ва ташқи савдони рағбатлантирарди. Хоразм савдогарлари ўз молларини Андалузия ва Хитойгача етказиб бора олганликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Киев князликлари, Хазар, Булғор, Дашт давлатлари билан олиб борилган савдо Хоразм савдогарларига улкан фойда келтирган.

Халқаро савдонинг ривожланиши шаҳарлар ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўсиб боришини рағбатлантирарди. Иккита шаҳар — Гурганж билан Жанд ўз қулай географик ўрнига кўра алоҳида аҳамият касб этарди. Улар муҳим алоқа йўллари чоррахасида жойлашгани туфайли халқаро савдо марказлари бўлиб қолади.

Халқаро савдонинг ривожланиши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ҳам рағбатлантиради. Хоразмда турли мамлакатлар ҳунармандлари санъати жам бўлади ва айни вақтда кўплаб ўз миришкорлари ҳам пайдо бўладики, улар яратган буюмлар Шарқнинг ҳамма томонларида юксак баҳоланди. Шаҳарларда бозорлар кўп эди. Ҳар бирида қатъий тартиб ҳукм сурарди. Махсус Мухтасиб деган лавозим жорий этилган бўлиб, унинг соҳиби бозорлар ҳолатидан хабардор бўлиб турарди. У товарлар сифатини, идишлар тозалигини, маҳсулотлар янгилигини текширар, ўлчовлар ва тарозилар аниқлигини кузатар ҳамда ёлгончилик ҳамда товламачиликнинг олдини оларди.

1200 йил 3 июлда Такаш Хоразмдан Нишопурга бориладиган ярим йўлда вафот этади, ўша йили 3 августдаёқ унинг ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ Гурганж аҳолиси кўз ўнгида байрамона кийинган сарой аёнлари ва амирлар ҳозир бўлган тантанали вазиятда хоразмшоҳлар давлати тахтига ўтиради. Ёш ҳукмдор подшоҳлиги ташвишли бошланмоқда эди. Давлатнинг чекка жойларида унинг яхлитлигига хавф солувчи бўлгинчи беклар интилишлари яна жонланган эди. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғай оғаси, Нишопур ҳокими Ҳиндухон Хоразм тахти учун курашиш, қўшин тўплаш мақсадида Марвга жўнаб кетади, ғурийлар жанубда Сарахс, Наус ва

Обивардни босиб оладилар.¹⁷

Лекин асосий муаммо хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун билан боғлиқ эди. У турк ҳарбий зодагонлари бошлиғи эди, бинобарин, бутун армия амалда унинг қўлида эди. Ҳарбий саркардаларнинг кўпчилиги унинг уруғидан бўлиб, унинг томонида мустаҳкам турарди. Унинг ўзи жуда улкан ер мулклари эгаси бўлиб, хазинаси ҳукмдор хазинасидан қолишмасди. Бутун молия амалда унинг қўлида бўлиб, амирларга фармонлар берар, уларнинг кўпчилиги ҳам унинг Баёт уруғидан чиққан эди. Туркон Хотунинг «Умидим фақат оллоҳдан» деган ёзувли муҳри ўз ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ муҳридан зўрроқ эди.

Туркон Хотуннинг барча қариндош-уруғлари фахрли лавозимлар олдилар, улар шаҳар бошлиғи ёки бошқа давлатлар ва шаҳарлар ҳукмдорлари ҳузуридаги вакил лавозимини барча бошқа лавозимлардан афзал кўрардилар. Самарқандда шаҳарнинг бошлиғи Туркон Хотуннинг оғаси Тўғайхон, Ўтрорнинг ноибини унинг яқин қариндоши Иналхон бўлди. Чингизхон юборган карвон шу Иналхон буйриғига кўра таланган ва савдогарлар ўлдирилган эди. Бу нарса Туркон Хотун буйриғига кўра қилинган иғво бўлиб, Чингизхон юришини келтириб чиқаришни, унинг ёрдамида ўғлини ағдаришни ва ўз уруғи диктатурасини ўрнатишни, мўғул ҳукмдорларидан қутулиб олишни мўлжаллаган бўлиши мумкин эди.

Афтидан, Муҳаммад Хоразмшоҳ агрессив ва маккор онаси томонига узил-кесил ўтиб олганди, ахир онаси қўлида армия бор эди, армия эса унга исёнчиларни бостириш ва истило режаларини амалга ошириш учун керак эди. Муҳаммад 20 йил ҳукмронлик қилган бўлса, шу йилларнинг ҳаммасини тинимсиз урушлар ва юришларда ўтказди. У 1202 йилда Марв, Нишопур ва Сарахсни босиб олди, 1204 йил январидан узоқ камалдан сўнг Ҳирот қўлга киритилди, 1206 йилда эса Муҳаммад Хоразмшоҳ бир замонлар қудратли бўлган ғурийлар давлатини яксон қилиб Балх ва Термизни босиб олди. Муҳаммад қора хитойларга қарши икки марта жанг

¹⁷ Ўша асар.51-бет.

қилди ва иккаласида ҳам ғалаба қозонди. Натижада бутун Мовароуннахр унинг ҳокимияти остида бўлиб қолди. Эндиликда Хоразм тўла мустақилликка эришган ва хоразмшоҳ ўзига «Иккинчи Искандар Зулқарнайн», шунингдек, «Оллоҳнинг ердаги кўланкаси» унвонини олган эди.

Шундай улкан ҳудудда марказлашган давлатнинг ташкил топганлиги турли халқлар ўртасидаги савдо-сотик ва маданий алоқаларни ниҳоятда ривожланишига олиб келди, ўзаро урушларга чек қўйилиб халқнинг тинчлиги таъминланди. Мирзо Улуғбек бу ҳолатни шундай ифодалайди: “Мўътабар тарихларда битилмиш ва зикр этилмишким, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Эрон ва Турон давлати бағоят осойишталикда ва солим эди. Чунончи агар кўзи ожиз кампир қизил олтин тўла таштни бошига қўйиб Машрикдан Мағрибга жунайдиган бўлса, бирор жонзот унга даҳл қилмаган. Шоҳ шу даражада кучайдики, мамлакатда бирорта ҳам ўғри қолмади”¹⁸.

Енгил ғалабалар ҳукмдорни эсанкиратиб қўйди ва у ўзининг жаҳон салтанатиини яратишдек ардоқли орзусини рўёбга чиқаришга киришди. Бунда у Шарқ феодал мустабид ҳукмдорларининг типик вакили эдики, улардан ҳар бири бошқа халқларни тобе этишни ва Искандар Зулқарнайн империяси сингари давлатни барпо этишни орзу қиларди.

1215 йиллари Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг енгилмаслигига узил-кесил ишонч ҳосил қилади. У ўша йили Кермон, Кеш, Сеистон, Ғур, Ғазна, Бомиён мамлакатларини, Ҳиндистоннинг водийларига қадар ўз мулкларига қўшиб олди. Шундан сўнг у Хурмуз бўғози соҳилига чиқиб олиб, Хурмуз султонининг ерларини ўзига тобе қилдирди. Кўпдан-кўп шаҳарлар ва бутун-бутун мамлакатлар унга амалда курашмасдан тобе бўларди, чунки унинг жоҳиллиги тўғрисидаги миш-мишлар халқларни даҳшатга солар ва бунинг устига унинг қўшинлари олдида руҳонийлар бўлиб, улар хоразмшоҳ “Оллоҳнинг ердаги кўланкаси” деб ишонтириб, қаршилиқ кўрсатмасдан

¹⁸ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. - Тошкент, 1994. 125-бет.

таслим бўлишига даъват этардилар. 1217 йилга келиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ улкан алтанатнинг ҳукмдори бўлиб қоладики, бу салтанат Ироқдан Ҳиндистонгача ва Орол денгизидан Ҳинд океанигача чўзилиб кетган эди.¹⁹

Унинг таркибига катта ўлпон солинган 400 та шаҳар кирарди. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг 300 минг кишилиқ улкан армияси бўлиб, унинг зарбдор кучини яхши қипчоқ чавандозларининг 100 минг кишилиқ ва қора хитой суворийларининг 70 минг кишилиқ корпуси ташкил этарди. Бағдоддан кейин у Грузияни эгаллашни, сўнгра Анатолия, Сурия ва Мисрга юриш қилишни мўлжаллайди.

1217 йилнинг кеч кузида улкан армия йўлларни чангитгани ҳолда, аравалар гулдираги, саркардалар ва туякашлар хайқириғи, отлар кишнаши ва аравакашлар қистови остида Хоразмдан Бағдод сари силжиб боради. Айрим овозаларга кўра, армияда 400 минг киши, бошқа овозаларга кўра 300 минг киши бўлиб, у аравалар билан биргаликда 100 километргача чўзилиб кетган эди.

Хулвон яқинидаги Асадобод довонида кутилмаганда қалин қор ёғиб, совуқ бошланиб кетганида Бағдодга етиб бориш учун озгина масофа қолган эди. Шоҳидларнинг айтишларича, қалин қор уч кечаю уч кундуз узлуксиз ёғган. Чодирлар қор остида қолган, ҳамма туялар ҳалок бўлган, кўпгина жангчилар қўл-оёқларини совуққа олдирганлар. Оппоқ қор усти кўплаб мурдалардан қорайган, уларни ҳеч ким дафн этмаган. Бу машаққатлар хоразмшоҳни тўхтатиб қолмай, у юришни давом эттириш ниятида эди.

Лекин 1218 йил 10 февралда кечқурун унинг чодирига ватандан келган бир чопарни бошлаб кирадилар, у Мовароуннаҳр шарқида даҳшатли хавф – Чингизхон пайдо бўлганлиги тўғрисидаги ваҳимали хабарни келтирган эди. Ўша кундаёқ Муҳаммад Хоразмшоҳ орқага қайтиш тўғрисидаги қарорга келади. 1218 йил мартада у Мовароуннаҳрга қайтиб келади, лекин кўшинлари билан Гурганжга эмас, балки мўғулларга қарши юриш

¹⁹ Ан-Насавий. Султон жалолиддин Мангуберди.-Тошкент: 1999, 16-бет.

бошлашни режалаган янги пойтахти Самарқанд сари юради. Хоразмшоҳнинг Гурганждан эҳтиёт бўлишга асослари бор эди, чунки у ерда амалда онаси турк ҳарбий саркардалари билан биргаликда ҳукмронлик қиларди, у турк ҳарбий зодагонлари диктатурасини ўрнатиш учун ўғлини ағдариб ташлашда оғир вазиятдан фойдаланиб қолишига шубҳаланмаса ҳам бўларди.

Меҳнаткаш халқ қатламининг норозилиги, хоразмшоҳлар оиласидаги баъзи бир низолар, ҳарбий феодаллар ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида хоразмшоҳлар мўғилларнинг Чингизхон бошчилигидаги қўшинларига қаршилик кўрсата олмадилар. Шундай қилиб, хоразмшоҳлар давлати мўғуллар босқини натижасида барҳам топди.

Чингизхон 1219-1221 йилларда Ўрта Осиёга ўзининг кичик ва чапдаст қўшини билан хужим қилиб, барча шаҳар ва қишлоқларни шавқатсизларча вайрон қилиб, суғориш иншоатларини бузиб ташлади, аҳолини талаб, уларни қулга айлантirdилар. “Улар (мўғиллар муаллиф), ўша даврда яшаган тарихчи Ибн ал-Асир айтиб ўтганидек, ҳеч кимни аёл, эркак, ёшларни, ҳаттоки ҳомиладор аёлларни ҳам аямадилар, уларни ҳаммасини қатл эттирдилар”.²⁰

²⁰ Қаранг: Вл. Горделевский. Государство Малой Азии, изд. АН СССР, М-Л, 1941. с. 35.

1.02. Фаҳриддин Розийнинг ҳаёти ва ижоди, диний фалсафий меъроси.

Фаҳриддин Розий номи билан машҳур бўлган Абу Абдулла Муҳаммад ибн Умар ал-Хусайн, ҳижрий 543 ёки 544 йилнинг 25 рамазонида милодий 1148 йили Рай шаҳрида дунёга келган. Фаҳриддин Розийнинг отасини исми Умар ибн Хусайн ибн Хасан ибн Али бўлиб, уни Абулқосим дейишган, Зиёвуддин эса унинг таҳаллуси бўлган. Зиёвуддин Умар ёрқин олим-маърифатпарвар бўлган. У араб ва форс тилларини, табиий фанларни, тиббиётни фалсафани яхши билган. У сўз устаси ҳам бўлиб, нотиклик санъатидан таълим берган. Бундан ташқари у тилшунос, шоир, табиатшунос, файласуф ҳам бўлган. Шунинг учун у ўзидан қуйидаги фан соҳаларига оид бир қатор рисоаларни қолдирган. “Баҳси таҳқиқи” (“Ҳақиқат ҳақида баҳс”), “Ғоят ул-маром” (“Сўнги мақсад”) асрларида унинг ўз дунёқарашлари акс этган.

Зиёвуддин Умар жуда ҳам илм маърифатли инсон бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз ўғли Фаҳриддин Розийнинг тарбияси ва таълими билан астойдил ўзи шуғилланган. Фаҳриддин Розий ўзининг илк таълимини отасидан олган.

Зиёвуддин Умарнинг туғилган ва вафотининг санаси тўғрисидаги маълумот ҳеч қайси тазкирада қайд этилмаган. Лекин Фаҳриддин Розийнинг қайдномаларида кўрсатилишича, у тахминан XII-асрнинг иккинчи ярми бошларида вафот этган. Отасининг ўлимидан сўнг Фаҳриддин Розий ўз таълимини давом эттирди. Ана шу мақсадда Фаҳриддин Розий Симнон шаҳрига (Шимолий Эронда) боради ва бу ерда Камол Симнонийдан фалсафа ва мантиқни ўрганadi ва бу ерда Маждуддин Жилий билан илм фандан турли савол-жавоб баҳс-мунозараларни олиб боради. Бу вақтда Маждуддин Жилий Мароға шаҳрига кетади. Маждуддин Жилий изидан бир қанча вақтдан кейин Фаҳриддин Розий ҳам ўша ерга боради. У ерда Фаҳриддин Розий турли фан соҳаларини ўзлаштиришга киришади. Юксак қобилияти орқали Фаҳриддин Розий табиатшунослик, мантиқ, фалсафа, тиббиёт, тарих, адабиёт ва бошқа фан соҳаларида тез орада катта мувафакциятларни қўлга киритади. Бу вақтда

у эндигина 17 ёшда эди. Бу ёшда Фаҳриддин Розий Хоразмга саёҳат қилиб, Хирот ва Балх шаҳарларида ҳам бир неча кун тўхтади. Хоразмда Фаҳриддин Розий мутазилийлар билан илоҳиёт ва фалсафадан бахслар қилган.

Фаҳриддин Розий Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг, айниқса Форобий ва Ибн Синоларнинг фалсафага оид меъросларини ўрганиш мақсадида узок вақт Ўрта Осиё ва Бухорода яшади. У Бухорода кўп касалликга чалинган ва жуда муҳтожликда яшаган. Бу ҳақида унинг замондоши солномчи Ибн ал-Қифтий шундай гувоҳлик беради: “Давид Тайбий исмли бир савдогар бор бўлиб, у Нажиб номи билан машҳур эди. У меҳрибон ва саҳий одам эди. У доимо қийинчиликга учраган олимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турарди. У Фаҳриддин Розий ҳақида шундай деди: “Мен Фаҳриддин Розийни унитилган Бухоронинг бир четида учратдим, у жуда оғир аҳволда эди, унинг юзлари синиққан ҳолда эди. У менга ҳақиқий дўст сифатида, ўзининг касаллиги ва моддий аҳволи оғирлиги ҳақида айтди. Мен жуда унга ачиндим ва касбдошларимдан пул йиғиб, унга йўл ҳаражатларини бердик ва у Хуросон томонга кетди”.²¹

Фаҳриддин Розийнинг Бухородан Рай (Хуросон)га саёҳати ҳақида бизда аниқ маълумот мавжуд эмас. Лекин, унинг Рай шаҳрида маълум муддат яшаб, илм фан билан шуғилланиб, китоблар ёзгани маълумдир. Бу йилларда Фаҳриддин Розийнинг икки ўғли Райлик бой табибнинг икки қизига уйланади. Тез орада табиб вафот этиб, ундан қимматли мерос қолган эди. Эндиликда Фаҳриддин Розий моддий қийинчиликлардан кутилади.

Тарихий манбаларга кўра, Фаҳриддин Розийнинг уч ўғли – Муҳаммад, Зиёвуддин, Шамсиддин ва икки қизи бўлган. Муҳаммад Фаҳриддин Розийнинг тўнғич ўғли эди. У иқтидорли, илм фанни қадрловчи эди. Шунинг учун Фаҳриддин Розий уни худди ўзи Хиротда олгани каби юқори билимга эга бўлиб, ўзи бошлаган ишларини ўғли давом эттиришини мақсад қилган эди. Лекин, Муҳаммад ёшлигида, сайёҳат вақтида вафот этади. Фаҳриддин Розий ўғлининг бевақт ўлимидан изтиробга тушади. У бу ҳақида ўзининг бир

²¹ Қаранг: Моил Херавий. Шарҳи хол ва зиндаги...ўша манбаа...32 сах.

неча рисоаларида хусусан “Тафсири кабир”да шундай қайд этган эди: “менинг Муҳаммад исмли ўғлим бўлиб, у меҳрибон ва етук ақл эгаси эди. У ёш вафот этди. Шунинг учун дўстларидан уни яхши томонларини эслашларини сўрайман. Илимли ўғлимнинг бевақт ўлиmidан қайғу ва мотамдаман.”²²

Фаҳриддин Розийнинг 2 ўғли – Зиёвуддин, Шамсиддин ва 2 қизи ҳатто отасининг вафотидан сўнг ҳам биргаликда яшашган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Фаҳриддин Розий султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузирига борганда, ўзининг бир қизини Хоразмшоҳнинг вазири Ало ул-Мулкга хотинликка беради. Ало ул-Мулк билимли ва иқтидори бор инсон эди. Ўрта Осиё шаҳарларига мўғиллар юришлари бошланиши билан Муҳаммад Хоразмшоҳ улардан чўчиб шаҳарма-шаҳар қочиб юрарди. Бу вақтда Ало ул-Мулк Чингизхон билан алоқалар олиб бориб, у томонга утади. Чингизхоннинг ўғли Ҳиротга яқинлашганда шундай буйруқ беради: Фаҳриддин Розийнинг ўғил ва қизлари Самарқандга кўчиб кетсин, уларга ҳеч қанақа зарар етказилмасин, деб тайинлаган. Шундай қилиб, Самарқандга жунатилади. Афсус ундан кейин фарзандлар ҳақида ҳеч қанақа маълумот йўқ.

Фаҳриддин Розийни табиб қудаси вафотидан сўнг, яхши ўзига тўқ ҳаёт кечира бошлади, ҳаттоки султон Шаҳобиддин Ғурий ундан қарз ҳам олади. Бу воқеа Шаҳобиддин Ғурийни Мултон (Ҳиндистон)ни эгаллаган 1175 йилда юз берган эди. Уриш натижасида шаҳарларни вайрон қилиб, одамларни қатл эттириб, ката бойлик билан Ғазнага қайтади. 1177 йил ёки ундан сал кейинроқ Ғазнага боради. Султон Шаҳобиддин Ғурий уни ката иззат ҳурмат билан кутиб олди ва олган қарзини у берганидан ҳам кўпроқ қилиб қайтариб олди.

Абул Карим Сараҳси, машҳур табиб, етук олим, юнон табобати ва фалсафасининг билимдони, табобат илмининг эгалари Закариё ар-Розий, Абу Саҳл, Масихий ва Ибн Синолар ўз даврининг бу соҳаларининг энг етук олимлари бўлганлар.

1184 йилда Фаҳриддин Розий Райдан Сараҳсга (Хирот) боради ва ўзининг

²² Ўша асар. 32-бет.

“Қонун” рисоласини Абдул Рахмон Ибн Абдул Карим Сарахсийга кўрсатади. Бу рисола Ибн Синонинг “Қонун” рисоласига шарх эди. Фахриддин Розийнинг Абдул Карим Сарахсийга бўлган хурмати жуда юқори эди. Сарахсий Фахриддин Розийга Ибн Синонинг “Қонун”ига шарх ёзгани учун ўз миннатдорчилигини билдиради ва ўз навбатида ундан ўрта осиелик, эронлик, араб ва юнон табибларини қирраларини ўзлаштиради.

Зиёвуддин Умар (Фахриддин Розийнинг отаси), Камол Симноний, Маждуддин Жилий ва Абдул Карим Сарахсийлар Фахриддин Розийнинг хақиқий олим устозларидир. Улар Фахриддин Розийдан ўз билимларни аяшмаганлар. Фахриддин Розий Ўрта Осие ва Эрон шаҳарларига кўп саёҳатлар қилган. У Самарқанд, Хўжанд ва Ҳиндистонда бўлган. У ўз саёҳатлари давомида ўз даврининг кўплаб таниқли одамлар, олимлар, шоирлар, файласуфлар, илоҳиётчилар ва ҳукмирон табақалар билан учрашди.

Фахриддин Розий, проф. Болтаев М.Н. айтганидек, ўқувли, идрокли сезгир ноёб мутафаккир эди. У ўз рақибларини кучли ва кучсиз жиҳатларини фош қила оларди. Фахриддин Розий Ўрта Осие ва Эронда учрашган таниқли олим ва жамоат арбоблари билан фалсафа, илоҳиёт соҳаларидаги турли муаммолар устидан баҳслашарди. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, у Бухорога борганида Арзиддин Нишопурий, Нуриддин Сабуний, Рукниддин Қазвиний, Ғазнада эса шу шаҳарнинг қозиси билан Самарқанда эса Фахриддин Ғилоний билан, Ҳиротда Ғиёсиддинлар билан илмий баҳслар олиб борган. Бундай баҳсларнинг бирида у мутазилийлар фойдасига бир қанча далил ва асослар келтирди. Бахс қатнашчилари унга қарши бирон-бир фикр билдира олишмади. Яна шундай анжуманларнинг бирида у мутазилий олимларни қаттиқ танқид қилиб чиқади. Бахс қатнашчилари Фахриддин Розийнинг бу фикрларидан норози бўлишди ва олимлар ўртасида фитна ўйғонди. Уларнинг орасидан ҳеч бири Фахриддин Розий каби илм ва мантиқни сеҳирли баён қилиб бера олиш қудратига эга бўлмаган. Лекин Фахриддин Розийнинг нияти юқоридаги олимлар ақл заковатини синдириш

махв этиш эмасди.²³

Ўрта Осиё шаҳарларига қилган саёҳатларидан сўнг Фаҳриддин Розий Ҳиротга боради. Бу вақтда у аллақачон йирик олим, файласуф, кўзга кўринган устоз, форс ва араб тилларида маърузалар ўқувчи нотик бўлиб этишган эди. Шунинг учун илм фан ва фалсафий муаммоларга қизиқувчи одамлар унинг ҳузурига кела бошладилар. У одамларнинг қизиқишлари ва саволларига бажонидил жавоб, маслаҳат ва насихатлар берарди.

Бу вақтда, Фаҳриддин Розий бизнинг фикримизча ғурий султонлари саройига боради. Фаҳриддин Розийнинг сўзларига қараганда, султон Алоуддин Хоразмшоҳ Такаш ғурий султонларидан Фаҳриддин Розийни йирик олим сифатида кўриб, уни тезлик билан Хоразмга юборишини сўраган. 1186 йилда Фаҳриддин Розий Хоразмга боради ва султон Аълоуддин Такаш Хоразмшоҳ уни Сарой олими қилиб кўтаради. Фаҳриддин Розийнинг ўзи бу ҳақида шундай деган эди: “ Уч йил давомида яъни 1186-1189 йилларда мен Хоразмга бордим ва Алоуддин Такаш Хоразмшоҳ учун “Жомъ ул-илм” китобимни ёздим”. Ўрта Осиё шаҳарларидан қуйидагиларни эслаб ўтади: “Мен Мовароуннаҳрда бўлдим ва Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Банокат шаҳарларига саёҳат қилдим ва қаерда бўлмай файласуф ва таниқли одамлари билан баҳс, мунозара ва суҳбатлар олиб бордим.²⁴

Фаҳриддин Розий бу шаҳарларда икки марта ва хаттоки ундан ҳам кўпроқ бўлганини қайд этиб ўтиш мумкин. Бу ҳақида олим ўзи қуйидагиларни эслаб ўтади. “Мен яна Бухорода бўлдим”. Бу сўзларидан уни Ўрта Осиё шаҳарларига яна такрор борганини кўрамиз. Ва бу саёҳатлар асосан 1186-1189 йиллар оралиғида юз берган эди. У ўзининг «Мунозорот» (“Мунозара”) рисоласида Бухорога икки маротаба борганлигини қайд этиб ўтади. Унинг Бухорога биринчи саёҳати ҳақида унинг замондоши Ибн ал-Қифтий айтиб ўтади, лекин бу саёҳатлар кейинги саёҳатларига тўғри келмайди. Кўриниб турибдики, Фаҳриддин Розийнинг Бухорога илк саёҳати шу даражада

²³ Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Син и его школ, с.188

²⁴ Қаранг: Моил Херавий. “Шарҳи хол ва зиндаги...” с.338.

таъсуротсиз бўлганки, Фаҳридин Розийнинг ўзи ҳам бу саёҳатини унутиб юборган. У мадрасаларга борганида асосан турар жой билан дўстлари таъминлаганлар.

У ўзининг “Мунозарат” рисоласида шундай деб ёзади: “Қачонки мен Мовароуннаҳрга борсам, биринчи навбатда Бухорога ташриф буюраман”²⁵

Сўнг Фаҳридин Розий у ердаги турли одамлар билан учрашуви ва улар билан мантиқнинг баъзи муаммолари устида баҳс олиб боради.

Фаҳридин Розий бу ҳақида “Мунозарат” рисоласида шундай деб ёзади: “Мен Бухорога борганимда Зиёвуддиннинг шогирди булган Рукниддин Қазвиний (ваф.1236 й.) мени ёнимга ташриф буюрди. У мен билан ҳукм, хулоса ва таҳлиллар борасидаги саволлар билан баҳсга киришди”.²⁶

1186 йилда Фаҳридин Розий Самарқандга боради ва у ерда Фаҳридин Ғилоний билан мунозарага киришади. Бу ҳақида у “Мунозара” рисоласида қуйидагиларни қайд этган: “Мен Самарқандда бўлган чоғимда бу ерда Фаҳридин Ғилоний исмли одам яшашини эшитдим” дея давом этиб, у яна шундай дейди. У мустаҳкам хотирага эга бўлса ҳам, етарли билимга эга эмас экан, шунинг учун у амалий ва назарий муаммоларни бир-биридан чуқур ажрата олмас экан. Яна давом этиб Фаҳридин Розий қуйидагиларни ёзади: “Унинг айтишича, ўзи ёзган китоби Ибн Синонинг фалсафий қарашларини рад этишдан, унинг фикрларини ноаниқ ва тушунарсиз эканлигини исботлашдан иборат эди”. “Ва мен унга шундай жавоб бердим: “Ибн Синонинг дунёнинг абадийлиги тўғрисидаги, ҳаракат ва осудалик ҳақидаги фикрлари мутлақо ҳақиқатдир”.²⁷

Фаҳридин Розий қаерда бўлмасин у илмий баҳс, мунозарага киришиб у ўзининг турли хил илоҳиёт ақидаларининг зиддиятли ўринларини танқид қилган. Масалан, у ўзининг чиқишларининг бирида сўфийларни танқид қилиб, суфий олимлар ҳақида шундай деган эди: “Уларнинг, яъни сўфийларнинг олимлари қуруқ гапларга асосланувчи олимлардир. Уларда

²⁵ Предисловие Саид Муҳаммад Баккара Сабзавари к книге Фаҳридин ар-Рози “Ар-Рисолат-ул-Камолия фи ҳақоик-ул-Илохия”, Тегран: 1335,г.хиджры, с. 7.

²⁶ Қаранг Моил Хераи. “Шархи хол ва зиндаги...” с.193

27Ўша асар. 212-213 сах.

оддий халқни алдаш, икки юзламачилик ва мунофиқлик ва хийлагарлик қилишдан бошқа нарса йўқ эди. Уларнинг шиори худони қудратли моҳият эканлигини таъкидлашдан иборат эди”.²⁸

Фаҳриддин Розий илм фан соҳасида кўплаб дўстлар ортириш билан биргаликда, кўплаб душманлар ҳам ортирди. Бунинг сабаби, у ўз фикрларида қатъий ва эгилмас эди ва у ўз илмий, фалсафий масалалардаги қарор ва қарашлари мустаҳкам эди. Фаҳриддин Розийни кўраолмайдиганлар унга “Мушқоқ” (“Манман”, “Тақаббур”) деб лақаб қўйиб, уни шаънини камситганлар.

Фаҳриддин Розий “Дар баёни ахволи фалсафа” (“Фалсафанинг ахволи ҳақида”) рисоласида ўз душманлари ҳақида шундай деб ёзган эди:

Сар то сари даҳр ҳеч осоиш нест
 Вар хаст, ҳамон бесару поён доранд
 Ман бо рухи ту рост раваш, лекин ту
 Чун фил чу фарзин хама қач мебоз.

Даҳрнинг у бошидан бу бошигача бирор жойда осойишталик йўқ
 Нимаики бор бўлмасин унинг на бошию ва на охири йўқ
 Мен сенинг рухингга тўппа-тўғри юзланаману, лекин сен
 Фил бўлса ҳам, Фарзин бўлса ҳам ҳаммасини қажу-расво қилиб
 ўйнайсан.²⁹

Фаҳриддин Розийни мутаиб ҳудожўйларгина эмас, хаттоки ўзининг акаси Рукниддин ҳам кўра олмаган. У умр бўйи укасига ҳасад қилиб ўтган. Қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, суҳбатлашмасин Фаҳриддин Розий доимо таъқиб ва тухмат, шаънига айтилган ёмон сўзлар остида яшаган. Мен унинг акасиман, деди у, мунозарага, баҳсга киришганда, мен унга қараганда қобилиятли ва билимлироқдирман. Буни ҳеч ким эътироф этмайди, ҳамма мени эмас уни олқишлайди деди, Рукниддин.³⁰

²⁸ Чаҳордах рисола, 125 сах.

²⁹ Ўша асар. 145-бет.

³⁰ Моил Херавий. Шарҳи хол ва зиндаги..., 39-бет.

Ўрта Осиё шаҳарларига саёҳатидан сўнг Фаҳриддин Розий Райда ўзининг илмий мактабига асос солди ва унда ўзи дарс берди. Яна шуни таъкидлаш керакки, Фаҳриддин Розий фақат Рай шаҳрида эмас, Ҳирот, Хоразм, Бомиён, Ғазна ва яна шунингдек Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарларида дарс берган ва маърузалар ўқиган.

Унинг деярли 300 тадан ошиқ ўқувчиси бор эди. Улар Фаҳриддин Розийни маъруза дарсларни диққат билан тинглардилар. Улардан учтаси Зайниддин Коший, Шаҳобиддин Нишопурий ва Қутбиддин Мисрийлар Фаҳриддин Розийнинг энг яқин ва ишончли шогирдлари бўлиб, улар устозларини бирон-бир дарсини қолдиришмаган. Агар маъруза тингловчилардан қайсидир бири у ёки бу фан соҳасидан чалкаш саволлар бериб қолса, улар доимо бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишган. Агар Фаҳриддин Розий шогирдларини бу жавобларига қониқмаса, ўзи уларнинг саволларига жавоб берган.

Фаҳриддин Розийнинг шогирдлари ўз-ўзидан маълумки, бошланғич таълимларини бошқа муаллимлардан олганлар, кейинчалик эса Фаҳриддин Розийдан у ёки бу фаннинг қийин чалкаш масалаларини ўзлаштириш учун келишган. Юқорида кўрсатилган шогирдларидан ташқари Фаҳриддин Розийнинг Қутбиддин Усулий, Фаҳриддин Ҳайдар, Асириддин Абҳарий, Шамсиддин Хусравшах, Иброҳим Исфохоний ва Хожи Зиёвуддин Хўжандий каби иқтидорли ўқувчилари бўлган. Қутбиддин Абул Хорис Иброҳим Ибн Али Муҳаммад ал-Салим Усулий узоқ вақт Мисрда яшаган ва умрининг охирида Хуросонга келади. Фаҳриддин Розий Хоразм ва Ҳиротга келган йилларда Усулий ўз билимларини чуқурлаштириш мақсадида Фаҳриддин Розийни ёнига келади. Усулий Фаҳриддин Розийдан кўп фанларни ўзлаштиради ва кейинчалик у ўз даврининг энг кўзга кўринган олими бўлиб етишади. Фаҳриддин Розий унга қуйидагича таъриф беради: “У юқори қобилият ва иқтидор эгаси эди. Унинг қобилияти айниқса, фалсафа ва тиббиёт фанлари бўйича юқори эди. У кўплаб асарлар ёзди, шунингдек у Ибн

Синонинг “Қонун”ига шарх ёзган.³¹

Фахриддин Розийнинг барча ўқувчилари юқори иқтидорга эга бўлиб, уларда илм-фан асосларини ўзлаштириш учун катта истак бор эди.

Рай шахрида Фахриддин Розий Аламутлик исмоилийларга қарши танқид билан чиқади. Фахриддин Розий ўз маърузаларининг бирида исмоилийлар карашларини танқид қилади. Бу ҳақида исмоилийларнинг Аламутдаги рахбари Муҳаммад Ибн-Хасан ал-Мавтий хабар топади ва Фахриддин Розийни йўқ қилиш учун Рай шахрига исмоилийлардан бирини юборади. Ва бу исмоилий Фахриддин Розийни қўлида 7 ой ўқийди. Унинг мақсади Фахриддин Розийни йўқ қилиш эди. У кўп қулай фурсат излайди. Бир куни Фахриддин Розийни ёлғиз қолганидан фойдаланиб, унга пичоқ тирайди. Фахриддин Розий шундай деди: “Мени нима гуноҳим бор”? У Фахриддин Розийга шундай деди: “Ўзингнинг тилларинга, сўзларинга эрк берасан, бизни ғояларимизни ҳато дейсан, ҳурмат қилмайсан. “Фахриддин Розий кўрққанидан сизларнинг ғояларингизни иккинчи марта танқид қилмайман”. Исмоилийлар фидоийси сўнги сўзини айтди: “Муҳаммад ибн Хасан (исмоилийлар рахбари) сенга салом айтди ва у биз оддий одамларни сўзларидан кўрқмаймиз, лекин одамларнинг сенга ўхшашликларига сабр қилиб бўлмайди”.³²

Юз бераётган ҳодисалардан ташвишланган Фахриддин Розий Рай шахрида бошқа қола олмайди ва Хуросонга кетишга қарор қилди. Аввал у Ғазна шахрига, сўнгра Хирот шахрига боради. Фахриддин Розийни Хирот шахрига қайтиши тўғрисида унинг замондоши Шамсуддин Масумий қуйидагиларни ёзади: “Фахриддин Розий яна шаҳарга қайтган куни мен Хирот шахрида эдим. Тушлик вақти эди, бозорлар ёпилган эди, барча хизмат кўрсатувчи ишчи одамлар ва пойтахт одамлари биргаликда Фахриддин Розийни кутиб олиш учун бордилар. Учрашувдан сўнг уни Хоразмшоҳларнинг ажойиб-ажойиб турар жойга олиб бордилар.”³³

³¹ Қаранг: Моил Херавий. “Шархи хол ва зиндаги..”, 50 сах

³² Қаранг:” Ар-рисолат ул-Камолия”га кириш сўз.16-бет. Қаранг: Моил Херавий. “Шархи хол ва зиндаги..”, 125-сах.

³³ “Ар-рисолат ул-Камолия”га кириш сўз.17-сах.

1199-йилда Фаҳриддин Розий султон Ғиёсиддин Ғурий саройи Ферузқўхга (Хиротда) боради. Ферузқўхдаги мачитлардан бирида у ғазабли нутқ сўзлади ва Алоуддин Такашни исёнчи ва қўзғолончи деб атайди. Фаҳриддин Розий султон Алоуддин Такашдан нима учун хафа бўлгани ва у саройни тарк этгани сабаби бизга номаълум. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, султон Алоуддин Такаш Бағдод халифаси Насриддин билан келишмаган ва дўстона алоқада эмас эди. Бунинг устига Ферузқўхда карромийларнинг фитна фасодлар кучайган эди. Ферузқўхда Фаҳриддин Розий карромий Ибн Қудавий билан мунозара олиб борган. Султон Ғиёсиддин Ғурий Фаҳриддин Розийга яхши шароит яратиб берди ва Розий шаҳарга кетди. Фаҳриддин Розий ўз сафари давомида 1199 йилда Хиротга, 1196 йилда эса Мавлона Сирожидин билан биргаликда Бағдодга Насриддин Али хузирига боради. Йўлда қайтиш чоғида мавлона Сирожиддин вафот этди.

Фаҳриддин Розий икки марта Ҳиндистонга сафар қилди. Биринчи маротаба у султон Шаҳобиддини Ғурий билан биргаликда, қўшиннинг бош қозиси сифатида борган бўлса, иккинчисида эса султон Алоуддин Такашнинг илтимосига биноан сафарда бўлади. Бу ҳақида у ўзининг “Тафсири кабир” (“Катта шарҳ”) китобида эслаб ўтади, лекин сафарнинг амалга оширилган йиллари ҳақида маълумот мавжуд эмас. Яна шунингдек Фаҳриддин Розий ўзининг энг яқин дўсти Садриддин Сархасийга ёзган хатида шундай деди: “Мен Ҳиндистонда икки маротаба бўлдим ва “Уъйун ул-Ҳикма” (“Фалсафанинг моҳияти”) китобини шу сафар ва жаҳонгашталик даврида ёздим. Бу китоб энг яқин шогирдим Яхё Ибн Шофе Маздаконий томонидан ёзиб борилган ва мен бу китобни сенга юбораяпман”.

Бир неча йиллар давомида Фаҳриддин Розий султон Алоуддин Такаш билан дўстона алоқада бўлган. Шунинг учун у бошқарувдаги лавозимлардан бирида фаолият кўрсатган ва сарой олими бўлган эди. Султон Алоуддин Такаш Бағдол халифаси билан нифоқга борганидан кейин Фаҳриддин Розий Хоразмни ташлаб чиқиб кетади ва у султон Такаш билан учрашишни умуман

хоҳламади. Шунинг учун Фаҳриддин Розий султон Алоуддиндан узоқлашади ва хаттоки 1205-1206 йилларда ҳам Ғазнада бўлди.

1206-йилда исмоилийлардан бири султон Шаҳобиддин Ғурийни ўлдиради, Фаҳриддин Розий Ғазнадан кетади. Лекин, Фаҳриддин Розийни Ғурий билан Ҳиндистонга шу йили бирга борганлиги ҳақидаги маълумотлар бизга номаълумдир. Шаҳобиддин Ғурий Дехак ёки Дамашқ қалъасида ўлдирилган бўлиб, Фаҳриддин Раозийни баъзи душманлари бу қотилликда уни ҳам қўли бор деб санайдилар. Шунинг учун улар Фаҳриддин Розийни бу ишда айблашади. Фаҳриддин Розийнинг ҳаёти хавф остида қолди фақатгина маҳаллий бир ҳукмдоргина уни сақлаб қолди. Дўстларининг ёрдами билан Фаҳриддин Розий Хоразмга жўнаб кетди ва маълум бир вақт шу ерда яшади. Бу вақт Хоразмда Алоуддин Такашнинг ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмдорлик қиларди. Хоразмда Фаҳриддин Розий оғир касалликка чалинди ва Хиротга қайтди.

1206 йилда ғурий султонининг икки ўғли, Фаҳриддин Розийни ўқувчилари эди. Шаҳобиддин ва Баҳоуддин ўпка яллиғланиши касаллигидан вафот этди. Фаҳриддин Розий карромийлар, исмоилийлар ва бошқа душманларининг айблов, тана маломатларига қолди. Буларнинг барчаси Фаҳриддин Розийнинг соғлигини ёмонлашувига ва вафот этишга сабаб бўлди. Фаҳриддин Розий рамазон ойининг сўнгида ҳижрий 606 йилнинг иккинчи шанбасида милодий 1210 йилда Ҳиротда вафот этди.

Фаҳриддин Розийнинг ўлими ҳақида баъзи тарихчи солномачиларнинг алоҳида маълумотлари мавжуд. Масалан солномачи Ибн ал-Қифтий ўзининг “Ахбор ул-хукамо” (“Мутафаккирлар ҳақида маълумот”) тазкирасида қўйидагиларни ёзади: “Уни (Фаҳриддин Розийни) карромийлар, исмоилийлар тарафдорлари Хиротда захарладилар. Унинг ўзи таниқли табиб бўлса ҳам ўзини даволашга ҳаракат қилса ҳам буни фойдаси бўлмади. Бу дард унга шу даражада қаттиқ таъсир қилдики, у сўнги рисоласи “Васиятнома”ни шогирди Иброҳим ибн Абубакр воситасидагина қоғозга туширади.

Фаҳриддин Розий юқоридаги асарини 1210 йилнинг 21 муҳаррамида Иброҳим ибн Абубакрга айтиб туриш орқали ёзиб тугатди. Давлатшоҳ

Самарқандий ўзининг тазкирасида таъкидлашича, Фаҳриддин Розий 1210 йил Ҳиротда ўлдирилади.³⁴

Бу юқоридаги матндаги “ўлдирилди” (“кушташудан”) сўзи Фаҳриддин Розийни қарромийлар томонидан заҳарлаб ўлдирилганлигини англатади.

Ўша даврдаги шоир ва мутафаккир Азизий Фаҳриддин Розийнинг ўлими тўғрисида қуйидаги тўртликни ёзган эди.

Имом, олим фозил Муҳаммад Розий
 Бутун жаҳон унингдек одам кўрмади
 Олти юзу олтинчи йилда у Ҳиротда
 Шаввол ойининг иккинчисида вафот этди.

Фаҳриддин Розий ўзининг ўлими арафасида қуйидаги тўртликни ёзган эди.

Менинг қалбим ҳеч қачон асл билимга ета олмади.
 Барча нарсалар мен учун тушинарсиз сирли бўлиб қолверди.
 Кечаю кундуз етмиш икки фанни ўзлаштириб, машҳур бўлдим-у
 Лекин ҳеч нарса менга аниқ бўлмади.

Бу парчалардан шуни билиш мумкинки, Фаҳриддин Розий ҳаётида қанчалик қийинчилик ва синовларга ҳукмрон табақалар, ислом дини мафкурачиларининг қаршиликларига қарамай у ҳаётини илм-фанга бағишлади. У илм фан билан банд бўлмаган бир дақиқа ҳам йўқ эди. У ҳар дақиқадан унумли фойдаланарди. Масалан унинг ўзи бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “Афсуски, вақт камайиб бормоқда агарда улар мени вақтимни олмаганда, мен дарслик ва китоб ёзишдан ундан унумли фойдаланардим.”³⁵

Унинг кўп қиррали илмий қизиқишлари ўзининг кўплаб асарларида акс этган. Фаҳриддин Розийнинг бу асарлари тиббиёт, химия, физика, математика, геометрия, астирономия, лингвистика, шеърят, ахлоқ,

³⁴ Қаранг: Моил Херавий. Шарҳи хол ва зиндаги.., 137-саҳ.

³⁵ Ўша бет 137-саҳ.

нафосатшунослик, мусика, сиёсат, иқтисод, тарих, анатомия, психология, фалсафа ва мантикга оид бўлган. У юқоридаги фан турларини ўзи мустақил фикрлари билан бойитиб, катта илмий мерос қолдирган. Эронлик олимлардан бири Саид Муҳаммад Боқар Сабзаворий мутафаккирнинг 70 га яқин асари мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Яна бошқа бир олим Моил Херавий эса Фаҳриддин Розийни 46 га яқин асари борлигини таъкидлайди.

Фаҳриддин Розий илм қонунларини чуқур эгаллаган бўлиб, ўз фикрларини рационал (ақлий) йўл билан тушунтира билиши билан катта мувафакқиятларга эришди.

Фаҳриддин Розий шу даражада кўп асарларнинг муаллифики, ҳозирги кунда ҳам унинг кўплаб асарлари бизга мерос сифатида етиб келган ва уларни нафақат ўқиб, балки санаб тил чарчайди.³⁶

Масалан, биргина Моил Херавийнинг “Шарҳи ҳол зиндаги ва мунозорат Фаҳриддин Розий” асарида Розийнинг қуйидаги асарларини санаб ўтган: “Шарҳи Қонуни Абу Али” Ибн Синонинг (“Қонунига Шарҳ”), “Уъйун ул-Ҳикма” (“Фалсафанинг моҳияти”), “Лубоб ул-Ишорат” (“Кўрсатмаларнинг ўзаги”), “Мулаххас” (“Мантиқдан кичик китоб”), “Тафсири кабир” (“Катта тафсир”), “Тарихи дувал” (“Давлатларнинг тарихи”), “Мантиқ ул-кабир” (“Мантиқдан катта китоб”), “Номудади ул-улум” (“Билимларнинг асоси”), “Абтол ул-қиёс” (“Яширин силлогизм ҳақида”), “Рисола фил нафс” (“Нафс ҳақида рисола”), “Ҳадоиқ ул-ҳақиқат” (“Ҳақиқат боғи”), “Рисолат ул савол” (“Саволлардан тузилган рисола”), “Рисолат фил кайфият ул-худус ул-харф” (“Сўз таълимининг аҳамияти ҳақида рисола”), “Рисолат фил маони мушоҳабат” (“Ўхшашликнинг аҳамияти ҳақида рисола”), “Шарҳи нажот Ибн Сино” (“Ибн Синонинг Нажот асарига шарҳи”), “Китоб ул-ашруба ва соил ул-тиб” (“Табобатдан саволлар”), “Китоб ул-милал вал-нихал” (Турли миллатлар ва уларнинг шахобчалари, мазҳаб, фирқалар ҳақида китоб), “Китоб ул-набэ” (“Томир уриши ҳақида”), “Китоб фил-рамал” (“Рамал вазинлари ҳақида китоб”), “Китоб ул-хандаса” (“Геометрия”), “Мубоҳис ул-

³⁶ Гиёс ул-луғат. Изд. Компур (Индия), 1335 г. Хижрий. с. 365.

вужуд вал-адам” (“Борлиқ ва йўқлик ҳақидабаҳ-мунозара”), “Рисолат ул-хайиз ва ал-жихот” (“Макон ва нарсаларнинг йўналиши ҳақида рисола”), “Илм ул-фаросат” (“Фаросат илми”), “Ал-мубайин ул-мажаш ул-фалсафа” (“Фалсафанинг изоҳи”).

Бундан маълумки Фаҳриддин Розий деярли барча ўрта аср илм фани билан шуғулланганлигини кўриш мумкин.

Фаҳриддин Розийнинг мақбараси кўхна Ургангдаги меъморий ёдгорлик (XII аср иккинчи ярми) ҳисобланади. Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳудудида жойлашган.

Бу мақбара Хоразм шоҳлари Отсиз (1128-1156) ва Эл Арслон (1156-1172) даврларида қурилган деб тахмин қилинади. Маҳаллий аҳоли ушбу ёдгорликни Фаҳриддин Розий номи билан боғлайди.

Бинонинг асоси кубсимон шаклда (ички улчами 3,5x3,6 м, қуйи қисми пастга томон бир оз кенгайган), 12 қиррали пойгумбаз устига 12 қиррали кулоҳий гумбаз боғланган. Уч томонидан тобадонли эшик жойлашган. Олд томони силлиқланган ғиштлар билан 3та равоқли тўртбурчакларга бўлинган. Юзаси барг ва новдаларнинг нозик уйғунлигидаги ўйма нақшлар билан жозибадор безатилган. Тўртбурчаклар ўзаро ёзувли ҳошия нақш билан бирлашган. Ташқи гумбазига феруза ранг ғиштлар мавж усулида ҳандасий нақшлар ҳосил қилинган. Ташқи гумбазидан анча паст бўлган ички гумбазига муқарнаслар ишланган.³⁷

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, Фаҳриддин Розий энг оғир шароитда ҳукмдорларнинг азоблари ва зўровонликлари, мусулмон ақидачиларининг иккиюзламачилиги кучайган даврда яшади. Шу қийинчиликларга қарамай ўзининг қарашларини ва фикрларини баён қила олди.

³⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат имий нашриёти. Тошкент: 2005. 210-бет.

П.Боб. Фахриддин Розий йирик мутакаллим ва файласуф сифатида.

2.01. Фахриддин Розийнинг каломий таълимоти.

Биз хозирги кунгача Фахриддин Розийни мутакаллимлар сафига кўшиб келамиз. Биринчи навбатда калом нима деган савол туғилади.

Калом – ўрта асрлар мусулмон адабиётида ҳар қандай диний ва фалсафий мавзуларда мушоҳада юритишда (ҳатто христианлик – насронийлик ва яхудийлик илоҳиёти ҳақидаги фикрларни ҳам ўз ичига олувчи), кенг маънода қўлланиладиган истилоҳ бўлиб, ўзининг махсус маъносида қўлланиладиган истилоҳ (илм – ал-калом), ислом ақидалари асосида фикр юритган обрўли диндорлар фикрига қараб эмас (тақлид), балки ақл асосига таяниб, ҳукм чиқариш деган мазмунни билдиради.³⁸

У ёки бу масалаларни ҳал этишда ҳақиқатнинг олий босқичи сифатида ақлга мурожат қилиш, каломнинг хусусиятидир.

Калом тарафдорларини “Мутакаллимлар” деб аташган. Уларнинг файласуфлардан фарқи шундаки диний эътиқоднинг ягона улчови сифатида ақлий мезонларга ишониш кераклигини таъкидлайдилар. Файласуфлар ўз мушоҳадаларида, ақлнинг асосий меъёрларидан келиб чиқиб, фалсафий тафаккурнинг қадимги шаклу-шамойилини қабул қилганлар. Файласуфлар ўз фанларининг каломдан асосий фарқини фикр юритиш услибида кўрдилар: фалсафада аподейктик (далилий) тафаккур қўлланилса, каломда Арасту қўллаган маънодаги жадалиий, хитобий, софистик методлардан фойдаланилади.

Мутакаллимлар учун баҳс юритишнинг ўзига хос ифодаси сиёсий-мафкуравий зарурот ёки мажбурият (илзом) бўлиб, қарама-қарши томон тарафидан қабул қилинган қоидалардан келиб чиқиб, унинг учун номатлуб ёки бемаъни хулосалар чиқаришга эришишдир. Каломда жадалиий, хитобий, софистик тарзда фикр юритиши, Ушбу фаннинг келиб чиқиши жихатидан,

³⁸ Қодиров М. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. Тошкент: Шарқ нашриёти 2004. 175-бет.

баҳсли масалалар муҳокама қилинганда, кўп ҳолларда мутакаллимлар томонидан қўлланиладиган оғзаки шаклдаги олишувлар билан ифодаланар эди. Ўз навбатида бундай ҳолат, мутакаллимлар томонидан мажлисларда ҳамда кўча ва бозор майдонларида ташкил этилган, диний – фалсафий мавзуларга оид баҳсларга шаҳар аҳолисининг кенг табақаларини жалб қилиш билан боғлиқ эди. Шундай баҳсларда калом усулига хос бўлган, Қуръонни рамзий-мажозий шарҳлашга (тавил) асосланган, муайян масалани ёритишда ақлдан бошқа обрўли шахслар айтганларига таянишни қабул қилмайдиган тафаккур тарзи ҳамда унинг қуйидаги бирламчи муаммолари ишлаб чиқилди. Булар мусулмонлар раҳбари (халифа, имом) бўлиш учун зарур бўлган сифат ва фазилатлар; ўз хатти-ҳаракати учун инсоннинг жавобгарлиги (ирода эркинлиги ҳамда қазо ва қадарга ишониш масаласи); инсоннинг малакасига қараб баҳолаш, яъни оддий мусулмон (муслим), ҳақиқий эътиқод эгаси (мумин), эътиқодсиз худога ишонмайдиган (кофир) ва оғир гуноҳкор киши (соҳиб ал-кабира); худонинг ягоналигини ва унинг моҳият сифатларининг нисбати; Қуръонни замонда яратилганлиги ёки яратилмаганлиги (азалийлиги масаласи) каби масалалардир.³⁹

Ислом ақидалари билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу масалалар, каломнинг асоий ўзаги (зоҳир ал-калом, жалил ал-калом) ташкил этган. Каломнинг нозик томонларини (дақиқ ал-калом, латиф ал-калом) улардан фарқлар эди. Нозик томонларга табиат фалсафасига таллуқли жиҳатлар (ҳаракат ва сокинлик, жавҳар ва араз-акциденция), бўлинмас зарралар (атомлар) ва бўшлиқ мансуб бўлган.⁴⁰

Каломга хос бўлган услуб ва муаммони биринчи марта Ибн Дирҳам (742-743 йилда қатл этилган) ифодасида учратиш мумкин. У фақат ақлгагина таяниш талаби билан чиқиб, унга қарама-қарши бўлган Қуръон оятларини рамзий-мажозий шарҳлаш лозимлигини таъкидлаган эди. У муътазилийлар билан Термиз ва Марв шаҳарларидаги масжидларда қизгин баҳслар олиб борди. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 йилда қатл этилган) ўз

³⁹ Ислом энциклопедия. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2004

⁴⁰ Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. Тошкент: Ўзбекистон. 1975 24-бет.

устозларининг ғояларини ривожлантириб, ваҳийдан қатъи назар, ақл, хайр билан шаррини ажратишга қодир эканлигини таъкидлаб, пантеистик тамойилдаги таълимотни ишлаб чиқдики, азалий қазо ва қадарга яъни бу таълимотда тақдирга ишониш ғояси таъкидланган эди. Бу икки мутафаккир Жаҳм ибн Сафвон ва Дирҳам ибн Амир билан биргаликда ўз қарашларида каломнинг биринчи йирик мактаби бўлган муътазилий ғояларининг илк намуналарини акс эттирдилар.

Муътазилий каломнинг равнақ топган даври Хорун ар-Рашид айниқса, ал-Маъмун, ал-Муътасим ва ал-Восиқ ҳукмронлик қилган IX-асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Аш-Шаҳристониининг гапига қараганда, бу даврда калом гуллаб яшнаган. Яна бир эски калом мактаби асочилари Абул Ҳасан ал-Ашъарий (932 йил вафот этган) билан бир қаторда исломнинг илоҳиёт фалсафаси Калом-илм ул-ақоидга, матуридия мазҳабига Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ансорий ал-Ханафий Ал-Мутакаллим ал-Матуридий ас-Самарқандий (870-944) ва Абу Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059-1111) асос солган.

Калом таълимоти ва унинг моҳияти асосий принциплари методларини янгилашда катта ишлар олиб борган мутакаллим Фаҳриддин Розийдир. У эски каломчилар ал-Ашъарий, Матуридий, Ғаззолий ва Янги каломчилар ўртасидаги ҳар хил узилишларни боғлашга ва калом илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.⁴¹

Фаҳриддин Розийнинг яшаган шароити мураккаб бўлишига қарамай у қаерга бормасин, мунозаралар уюштириб, ўзининг қизғин баҳслари билан уларда иштирок этади. Ўзининг мухолифларини турли фалсафий ҳамда илоҳиётчилик қарашларига эътирозларини баён қилади. Фаҳриддин Розий илмий мактаб яратиш ташаббускорларидан бири ва бу мактабнинг раҳбари ҳам бўлган.⁴²

XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган Шаҳобиддин Муқаддасийнинг

⁴¹ Абдуқодир Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Тошкент: 1993. 84-85-бет.

⁴² Усмонов. М.А. Фалсафий комусий луғат. Тошкент. 325-326 бет.

ёзишига кўра, айримлар уни илоҳиётчи деб ҳисоблайдилар. Художуylлар эса уни файласуф деб атайдилар. Бу баҳсли масала доимо мунозарага сабаб бўлиб келади. Мутазалиylлар уни ашъарийчи (яъни Ашъарий схолостик фалсафасини тарафдори), деб атайдилар. Ашъарийчилар эса уни бутунлай инкор этадилар, танқид қиладилар.⁴³

Ибн Абу Усайбиъа XIII аср ”Уюн ил-анбоъ фи-табокат ил-атиббо” (“Табиблар табақаси ҳақидаги хабарлар”) номли асарида Фаҳриддин Розийни машҳур файласуфлардан бири деб ҳисоблайди.⁴⁴

Лекин Шаҳобиддин Сухравапдий “Ишроқийлик фалсафаси” нинг давомчиси деб қараса, “Нузхат ул-арвоҳ” (“Жон лаззати”) номли асарнинг муаллифи Шаҳризурий аксинча, мутафаккирнинг фалсафа фанига қўшган ҳиссасини инкор қилади. Унинг фикрига кўра, Фаҳриддин Розий “файласуфлар синоатини тушунмаган, моҳиятини англамаган, уларнинг таълимотини мазмунига етиб бормаган, умуман фалсафани маъносини ечмаган”.⁴⁵

Фаҳриддин Розийнинг бошқа рақиблари сўфийлар ва илоҳиётчи зоҳидлар бўлган. Масалан, Жалолиддин Румий Фаҳриддин Розийнинг буюк олимлигини тан олса ҳам, унинг таълимоти диннинг синоатларини очмайди, деб таъкидлайди.

Агарда бу йўлда, ақл йўлбошчи бўлганда
 Фаҳр Розий дин сиридан воқиф бўларди
 Хайратки, асарларининг бундай ноқислиги билан
 Уни Фаҳриддин деб аташларини хоҳлайди.
 (Фаҳриддин – диннинг ғуруридир)

Тадқиқий адабиётларда Фаҳриддин Розийнинг йўналиши икки хил йўлда баҳоланади. Ғарб олимларнинг фикрига кўра, Фаҳриддин Розийни буюк мутакаллимлардан бири ҳисоблайдилар. “Шунинг учун ҳам калом фалсафаси

⁴³ Саид Муҳаммад Боқирий Сабзаворий. Фаҳриддин Розийнинг “Ар-рисолат ул-камолия фил-хакоик ил-илоҳия”, китобига ёзилган ”Сўзбоши” Техрон, 1957, с. 22.

⁴⁴ Муҳаммад Солех аз-Заркон. Фаҳриддин Розий..., Коҳира, 1963. 616 саҳ.

⁴⁵ См. Алисғар Ҳалабий. Тарихи фалсафаи Эронӣ, 521-522-бет.

Фаҳриддин Розий туфайли ўзининг чўққисига эришган”.⁴⁶

М. Шариф томанидан чоп этилган “Муслмон фалсафасининг тарихи” номли тўпламидаги Фаҳриддин Розий ҳақидаги бўлимнинг муаллифи Саид Ҳусайн Носир интеллектуал исломдаги мутафаккирнинг хизматини юқори баҳолайди ва шундай ёзади: Фаҳриддин Розий “фалсафий калом мактабига асос солган, перипатетик фалсафага қарши курашни кучайтирган, ишроқ ва суфийликнинг метафизик таълимотларини ёйишга кенг йўл очган”.⁴⁷

Лекин айрим тадқиқотчиларнинг таъкидича Фаҳриддин Розий айрим чекланишларни истисно қилганда, Ибн Сино қарашларига яқин позицияда бўлган.⁴⁸

Бошқаларнинг фикрича Фаҳриддин Розий, гуёки ўз сафдошларини илғор материалистик ғояларини ижодий ривожлантириб, илм – фаннинг ҳимоячиси сифатида, “калом ақидаларига ва услубларига қарши кўрсатган.”⁴⁹

Савол туғилади – Фаҳриддин Розий қандай позицияни эгаллаган, файласуф бўлганми ёки мутакаллим бўлганми? Мутафаккирнинг таржимаи холи ва асарларини таҳлил қилиб, ушбу саволнинг аниқ жавобини очиб бериш лозим. Фаҳриддин Розий ”Китоб фи усул ид-дин ва таҳсил ул-ҳақ фи тафзил ил-фирак” (“Фирқалар афзаллигини билиш борасида ҳақиқат йўлини кўрсатувчи ва дин усули ҳақидаги китоб”) номли асарини ёзади. Дин усуллари ҳақидаги илмни ўзлаштиришда отаси Зиёвуддин Умарнинг ўрни катта бўлган. Отаси араб ва форс тилларини, табиий фанларни, тиббиётни фалсафани яхши билган. У сўз устаси ҳам бўлиб, нотиклик санъатидан таълим берган. Бундан ташқари у тилшунос, шоир, табиатшунос, файласуф, мутакаллим ҳам бўлган. Шунинг учун у ўзидан қуйидаги фан соҳаларига оид бир қатор рисоаларни қолдирган. “Ғоят ул-маром” (“Сўнги мақсад”) номли асрларида узини “Абулҳасан Ашъарийнинг сафдоши ва фикрдоши сифатида

⁴⁶ Ибни Халдун. Мукаддима, Техрон, 1959, 957 сах. Шибиллий Нўмонӣ. Таърихи илм калом, Техрон, 1350, 53-63 бет; The encyclopaedia of Islam., V. 2, Leiden-London, 1965, p. 751-752.

⁴⁷ A history of Muslim philosophy V. 1, 1963, p. 655.

⁴⁸ Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сино и его школы. Душанбе, 1965, с-193.

⁴⁹ Наимов Н. Философские и логические воззрения Фаҳриддина Розии Канд. Дис., Ташкент, 1971, с.53-185.

кўрсатади”⁵⁰

Жумладан, Фаҳриддин Розийнинг ёшлик чоғларида калом билан кизиққанлиги ва бунда отасининг таъсири кучли бўлган. Мутафаккирнинг ”Китоб ул-фирак фи шарҳи аҳволи мазоҳиб ал-муслимийн в-ал-мушрикин” (“Мусулмонлар ва Мушриклар мазҳабларининг аҳволлари шарҳи борасида фиркалар ҳақидаги китоб”) номли асарида таъкидлашича калом илмини ўрганаётган даврда, Арасту ва Абу Али Ибн Сино асарларини ҳам ката кизиқиш билан ўқиган.

Жалолиддин Абулфараж ибн ал-Жаузий ал-Бағдодий (ашъарий мутакаллим), Фаҳриддин Розийнинг замондоши мутакаллимларнинг айбловини бидъачиликда кўради, улар фалсафа ва мантиққа яхши муносабатда бўладилар. Улардан ўз қарашлари тамойилларини исботлашда ва ўз рақибларига қарши курашда фойдаланадилар. Қачонки илоҳиётчилар сунна ва ҳадис тарафдорлари мутакаллимларнинг мантиқий далилларга қарши курашда ўзларининг ожизлигини сезганда, уларни дин ақидаларига ҳурматсизликда айблаганлар. Мутакаллимлар Ибн ал-Жаузийнинг “Талби ул-иблис” даги таъкидига кўра, фалсафий тушунчалардан фойдаланиш натижасида файласуфларга ўхшаб қолардилар ва маломат, тана тошини отувчиларнинг объектига айланардилар.⁵¹

Фаҳриддин Розийнинг тақдири ҳам шундай бўлди, у ҳам “фалсафани калом билан шундай аралаштириб юбордики, уларни бир-биридан ажратиш мумкин бўлмади”⁵²

У Ғаззолийга ўхшаб фалсафани каломга бўйсундирмоқчи бўлди. Шу мақсадда Фаҳриддин Розий бир томондан махсус асарларида, Ибн Синонинг ”Ал-Ишорат ва танбеҳот” (“Кўрсатмалари”) ва “Уйун ул-Ҳикма” (“фалсафа моҳияти”) номли асарига ёзган шарҳларида ҳақиқатдан ҳам Ибн Сино фалсафасини танқид қилишга киришиб кетади, бошқа томондан асарларида калом қарашларини тўғри оқилона, мақсадга мувофиқ далиллар ва мантиқ тамойиллари ёрдамида қадамба-қадам ҳимоя қилиб боради. Шунини тан олиш

⁵⁰ Қаранг: Чаҳордах рисола, Техрон, 1962, 52 сах.

⁵¹ Забехулло Сафо. Таърихи улуми ақлий дар тамаддуни исломӣ, ч. 1. Техрон, 1957, с.142-143.

⁵² Fakhry Majid. A history of Islamic philosophy, p. 355.

зарурки, “Фаҳридин Розийнинг фикр юритиш тарзи, бошқа мутакаллимларга караганда, мантикийроқ ва фалсафийроқдир. Шунинг учун ҳам у бошқа мутакаллимлардан кўра, Ибн Сино қарашларининг буюк енгиб бўлмас ҳақиқатларга кўпроқ зарар келтирди”.⁵³

Фаҳридин Розий ўз фаолиятини илк даврида мутакаллим ашъарийчи бўлган. Кейин фалсафани калом билан қўшиб, аниқроғи фалсафани каломга бўйсиндириб каломни, рационал фалсафий каломга айлантирди. Ва ниҳоят каломдан ҳам, фалсафадан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, Қуръони Каримга мурожаат қилди. Уни ҳақиқатга етишда энг яхши восита деб билди.

Фаҳридин Розий турли мавзуларда жуда кўп китоб тасниф қилган, унинг китоблари кўп мамлакатларга тарқалган.

Унинг каломга оид ёзган китобларидан энг муҳимлари қуйидагилардир:
1. "Мафотийҳул-ғайб" тафсири. 2. "Тафсиру сура "ал-Фотиха". 3. "Ал-Матолибул-олия" ва "Китобул-баён вал-бурҳон" калом илми ҳақида 4. "Ал-Маҳсул" усулул-фикҳ ҳақида, 5. "Ал-Мулаххас", "Шарҳул-ишорот" ва "Шарҳу уйун ул-ҳикма" ҳикмат ҳақида. 6. "Ас-сиррул-макнун" тилсимот ҳақида.

Фаҳридин розий шу қийинчиликларга қарамай тафсир ёзишга вақт топди. Фаҳридин Розийнинг "Мафотийҳул-ғайб" номли тафсири катта-катта саккиз жилддан иборат ва у нашр этилган, уламолар орасида қўлма-қўл бўлган мўътабар асардир.

Аммо Ибн Қозий Шаҳбанинг айтишича, Фаҳридин Розий мазкур тафсирини тугата олмаган. Худди шундай маълумотни Ибн Халликон "Вафаётул-аён" китобида ҳам ёзган. У ҳолда: " Фаҳридин Розий тафсирини қайси жойида тўхтатган? Унинг тафсирини ким ниҳоясига етказган"?— деган савол туғилади.

Ибн Ал-Ҳажар ал-Асқалоний "Ад-дурар ал-комина фий аён ал-миатис-сомина" китобида шундай ёзади: "Фаҳридин Розийнинг тафсирини ниҳоясига етказган одам Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳазм Нажмиддин

⁵³ Эҳсон Табарӣ. Бархе баррасихо дар бораи чаҳонбиниҳо ва чунбишҳои иҷтимоӣ дар Эрон. 1970, 208 сах.

ал-Махзумий ал-Қумулий ал-Мисрийдир".⁵⁴

Кашфуз-зунун" китоби соҳибининг ёзишича, Фаҳриддин Розийнинг тугалланмаган тафсирини Нажмиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қумулий ниҳоясига етказган ва етти юз йигирма еттинчи ҳижрий йилда вафот этган.

Қозил-қузот Шаҳобиддин ибн Халил ал-Хивайй ад-Димашқий ҳам Фаҳриддин Розий тафсирининг қолган қисмини охирига етказган. Унинг вафоти олти юз ўттиз тўққизинчи ҳижрийда бўлди.

Кашфуз-зунун" нинг гувоҳлик беришича, Фаҳриддин Розий ўз тафсирини "Ал-Анбиё" сурасигача етказган.

Фаҳриддин Розийнинг тафсири уламолар орасида жуда шуҳрат топган, чунки у бошқа тафсирлардан ўзининг баҳсларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ибн Халликон унинг тавсифида шундай деган: "Фаҳриддин Розий ўз тафсирида кўп ажойиботларни жамлаган". Фаҳриддин Розий тафсирида оят ва сураларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати тўғрисида бир эмас, бир неча далиллар келтирган.

Фаҳриддин Розий тафсирда математика ва табиат илмларига, хусусан, астрономияга қаттиқ аҳамият берган, файласуфларнинг фикрларига раддиялар келтирган.

Муаллифнинг илоҳиёт баҳсларидаги барча раддиялари ақлий далилларга асосланган бўлса ҳам, бу борадаги аҳли суннат мазҳабидан четга чиқмаган.

Фаҳриддин Розий бир эътиқодли сунний сифатида калом масалаларида "аҳли сунна"нинг эътиқодини қаттиқ ҳимоя қилади ва фурсат етди дегунча мўътазилийларнинг эътиқодларини гапириб, уларга раддия беришга шошилади. Аммо мунаққид уламолар Фаҳриддин Розийнинг раддияларини жуда бўш эканлигини айтганлар.⁵⁵

Масалан, Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар "Лисонул-мезон" китобида шундай дейди: " Фаҳриддин Розий қаттиқ шубҳа билан айблайди, ҳал қилишга келганда эса қуввати келмайди. Ҳатто унинг баъзи рақиблари: "Шубҳани нақд келтиради,

⁵⁴ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илимлари. Тошкент 2003. 310-311 бет.

⁵⁵ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илимлари. Ад-дуар ал-қомини. 1-ж. 304-бет.

хал қилишни эса унутади",—деб айблаганлар".⁵⁶

Ибн Ҳажар яна дейди: "Мен Ан-Нажм ат-Тавфийнинг "Ал-Иксир фий илмит-тафсир" ида кўрганман. У шундай ёзади: "Мен тафсирлар орасида Ал-Қуртубийнинг ва Фаҳриддин Розийнинг тафсирларидан жомийроқ ва комилроқ тафсирни учратмадим. Лекин Фаҳриддин Розийнинг тафсирида нуқсон кўпроқ".

Фаҳриддин Розий Қуръони каримнинг бирор ҳукм оятини тафсир қиларкан, албатта бу ҳақда барча фуқаҳоларнинг мазҳабларини келтиради. Нихоясида ўзи эргашган Имом Шофеъий мазҳабининг афзаллигини далиллар билан тасдиқлашга ҳаракат қилади.

Шунингдек, тафсирда усулий, наҳвий, балоғий масалалар ҳам кенг ёритилган. Аммо олам ва табиат ҳамда калом илмларига шу даражада кенг ўрин берилганки, гўё муфассир тафсир ёзаётганини унутгандек, уни мутолаа қилган толибнинг хаёлига: "Мен калом илми ҳақидаги китоб мутолаа қиляпманми?",—деган савол пайдо бўлади.

Шунинг учун, "Кашфуз-зунун"нинг соҳиби: "Имом Фаҳриддин Розий тафсирини файласуфлар ва ҳақимларнинг гаплари билан тўлдирган",—дейди.

Абу Ҳайён "Ал-Баҳрул-муҳит" да шундай деган: " Имом Фаҳриддин Розий тафсирида жуда узун ва кўп, аммо тафсирга кераксиз нарсаларни жамлаган. Шу сабабли баъзилар: " Фаҳриддин Розийнинг тафсирида ҳамма гап бор, аммо тафсирнинг ўзи йўқ",— деб таъна қилишади.

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, Фаҳриддин Розийни муҳолифларининг айримлар ¹ Моил Херавий. Шарҳи хол ва зиндаги..., 39-бет. уни муътазилийлар тарафдори деб таъкидласалар, бошқалар уни мутақаллимлар тарафдори деб ҳисоблаганлар. Лекин у ҳар иккаласига нисбатан ҳам мустақил нуқтаи-назарда турган.

⁵⁶ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илимлари. Лисонул-мезон, 4-ж. 427-бет.

2.02. Фаҳриддин Розийнинг диний-фалсафий дунёқарашига оид баъзи чизгилар.

Фаҳриддин Розийнинг дунёқарашини аниқлаш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Чунки мутафаккирнинг асарлари бир позициядан туриб яратилмаган. Улар ўзининг ноизчиллиги билан ажралиб туради. Унинг дунёқарашига зиддият туфайли тадқиқотчилар Фаҳриддин Розийнинг қайси мафкуравий оқимга мансублигини аниқлашда ҳозирги кунгача муайян позицияга кела олмаётдилар.

Фаҳриддин Розийнинг билишни таҳлил қилишдаги қарашлари, яъни ақлнинг босқичлари (моддий ақл, ривожланиб борувчи ақл, ҳаракатидаги ақл ва бошқа босқичлари), ички ва ташқи сезгиларнинг билишда тутган ўрни, билиш тўғрисидаги гносеологик қарашларининг танқидига кўра Ибн Синога яқинроқ эди. Эҳсон Табарий таъкидлаганидек, ”эрон перипатетик”чиларининг билиш тўғрисидаги қарашлари Фаҳриддин Розийникига қараганда рационалистрок ва илғорроқ бўлса ҳам, улар Фаҳриддин Розийнинг асарларидаги айрим назариялардан айро тарзда ўз фикрларини билдира олмайдилар ва ҳақиқат тўғрисидаги ўз қарашларида Фаҳриддин Розийга яқинроқ келишига мажбурдирлар.⁵⁷

Фаҳриддин Розий Ибн Синонинг издоши сифатида билишни умумий ва хусусий турларга бўлади. Унга кўра умумий билиш сезгилардан, хусусий билиш эса олим таъкидлаганидек, ақлдан, ”ҳамма билиш керак бўлган нарсаларни билишдан иборатдир.⁵⁸ Билиш умумий ва хусусий турлардан иборат бўлиб, уларнинг иккиси асосида рух ва ақл ётади.

Бу фикрларни Фаҳриддин Розий ўзининг “Жомеъ ал-улум” асарида қайд этиб, яна шундай деди: “Умумий ва хусусий билиш бир хилдир, умумий билиш рухдан иборат, хусусий билиш ҳам рухдан иборатдир.⁵⁹

Фаҳриддин Розий реализм тарафдори сифатида умумий билишни ақлдан

⁵⁷ Эҳсон Табарий. Бархе баррасиҳо дар бораи чаҳонбиниҳо ва чунбишҳои иҷтимоӣ дар Эрон, 1970, с. 209.

⁵⁸ Фаҳриддин Розий. Ар-рисолат ул-камолия. 108 саҳ.

⁵⁹ Фаҳриддин Розий. Чомеъ ул-улум, 414 саҳ.

ташқарида, мустақил мавжуд бўла олмаслигини таъкидлайди. Фаҳриддин Розий фалсафасида умумий билишнинг реаллиги субъективдир. Шунинг учун улар ақлдагина мавжуддирлар, лекин ақлдан ташқарида умумий билишнинг аҳамияти ақлдан ташқарида бўлмаган ҳолда, нарсаларнинг негизида объективдир. Агар Ибн Синонинг билишини икки хил ҳис ва ақл каби турга ажратса, Фаҳриддин Розий билиш жараёнида ҳиссий билишни ҳақиқатгача мавжуд бўлган билишнинг босқичи сифатида тушунтиради.

Иккала мутафаккирнинг юқоридаги фикрлари хилма-хиллигига қарамай ҳар икала фикр ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Фаҳриддин Розий фикрича рух танани (моддийликни) қисми эмас, у материя билан ҳам боғлиқмас.

Фаҳриддин Розий Ибн Синонинг айрим гносеологик қарашлари ”руҳни билишда нарсанинг акси эканлиги ҳақидаги қарашларига қарши чиққан. Фаҳриддин Розий руҳни билишдаги нарсанинг шакли борасидаги ўз қарашлари билан Ибн Синодан юқорироқ ўринда турган.⁶⁰

Фаҳриддин Розий нафақат билиш назариясидаги қарашлари билан Ибн Синодан устунроқ, балки унинг билиш назариясининг айрим жиҳатларига ҳам қарши чиққан.

Фаҳриддин Розий фикрича, рух “барча нарсаларнинг билувчисидир” барча нарсаларни руҳий англаш турли восита ва йўллар билан амалга ошади. Бу йўл ёки воситалар бошдадир: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид сезиш ва умумий сезгилардир. Фаҳриддин Розий Ибн Сино каби бу юқоридаги беш воситани вазифаларини ёритиб берган. Масалан, ташқи сезишнинг вазифаси товуш, маза таъм, хид билиш, иссиқ ва совуқни сезиш шулар жумласидандир.⁶¹

Албатта Ибн Синонинг жиддий тадқиқий таълимоти ва бошқа файласуфларнинг шу қаторда Абул Барокат ал-Бағдодийнинг қарашлари, Фаҳриддин Розийнинг дунёқарашини шаклланишида ўз изини қолдирган.

Олим бу ҳақида шундай ёзади: “илоҳий ҳақиқат, ушбу китобларни инкор қилиш учун бизни китоб ижод қилиш йўлида чорлади (яъни Ибн Сино ва

⁶⁰ Фаҳриддин Розий. Ар-рисолат ул-камолия. 109 сах.

⁶¹ Ўша ерда. 113 сах.

унинг фикрдошлари асарлари)”. Буларга ”Ақл чегаралари”, “Тасвирловчилар мунозараси”, “Компендиум”, “Талқин қилиш”, “Кўрсатмалар”, “Ножарчилар саволига жавоб”, “Тушунтирувчи ва исботловчи китоб”, “Қайта тирилишнинг моҳияти ҳақида натуралистларнинг баҳси”, “Савол моҳиятини далиллардан тозалаш”, “Нозик ҳақиқатлар ҳақида кўрсатмалар” асарлари киради.⁶² Ана шу тўққиз китобда олим дин тамойилларини очишга ва турли файласуфларнинг шубҳалари бемаъни эканлигини тушунтиришга қаратган.

Фаҳриддин Розийнинг дунёқараши ҳақида ўрта аср муаллифлари турли карама-қарши фикрларни баён қилганлар. Баъзилар уни муътазилийлар тарафдори деб таъкидласалар, бошқалар уни мутакаллимлар тарафдори деб ҳисоблаганлар. Аслида у ҳар иккаласига нисбатан ҳам мустақил ўз фикрларини баён қилади ва исботлаб беради. Ўз қарашларида бутунлай ақл ҳукмларига таянувчи, рационалист сифатида моҳиятан муътазилийлар билан ҳамфикр бўлган. Шунинг учун кўпинча муътазилийлар таълимотидан мутакаллимларни танқид қилишда, ғоявий манба сифатида фойдаланган. У ўз танқидий фикрлаш усули билан муътазилийлар таълимотидаги рационал ғояларни ўз қарашларига татбиқ қилган. Фаҳриддин Розий ҳурфикрли мутафаккир бўлган. У ўз фикрини мулоҳазаларини етарли далил ҳамда исботлаб асослаб беролмайдиган, юзаки, саёз илоҳиётчиларни кескин танқид қилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Фаҳриддин Розий қизиқмаган бирор-бир фан соҳаси йўқ эди. У ўша даврдаги барча маълум фанларни кунт билан ўзлаштирган. Шу туфайли унинг дунёқараши етук даражада риожланди.

Оловда доим иссиқлик бўлади

Дунёдаги мавжудликни ўргатади

Бу уч сўзни куйла эй қадрдон хофиз

Тетик бўл доимо ёрқин нур соч ва ёниб яша.⁶³

⁶² Чаҳордах рисола, Техрон, 1962, 143-145 сах.

⁶³ Чаҳордах рисола. 126 сах.

⁶³ Қаранг: Моил Херавий. “Шарҳи хол ва зиндаги..”, 103-104 бет

Фаҳриддин Розий фавқулотда қобилият эгаси бўлиб, унинг ижодий харакати турлича эди, у ўрта асрлардаги мавжуд барча илм соҳаларни эгаллаган эди. Масалан, биргина унинг “Жомъе ул-улум” асарида ўнлаб фан йўналишларига оид мавзулар, фалсафадан тортиб то шахмат ўйнаш назариясига оид мавзулар ёритилган. Шунинг учун Фаҳриддин Розийнинг асарлари уша пайтдаги барча фанлар методологияси ва таснифини фанларни ўзида мужассамлаштирган энцеклопедия эди. Шунини таъкидлаш керакки, Фаҳриддин Розий фақатгина уй шароитида эмас, балки чўлда ҳам, йўлда ҳам, қаерда бўлмасин ижод билан шуғулланган. У бирон-бир асарини ёзиб бўлгандан сўнг, уни яна бир бор кўздан кечириб, қўшимчалар билан тўлдирган, сўнг уни ўқиш учун тайёр деб билган. Масалан, у “Уйунул ул-Ҳикма” асарини ёзиб тугаллагандан сўнг, уни дўсти олим Садриддин Сарахсийга юборган. Бу ҳақида Фаҳриддин Розий: “Мен бу асарни тушунарли бўлиши учун сенга тайёр ҳолда юбораяпман. Бу китоб ўзимнинг яқин ва ишончли шогирдим Яхё ибн Муздаҳкониё томанидан кўчирилган. Мен Ҳиротга борганда бу китобни сенга бераман. Уни сенга Саид ал-Аллома етказди”.⁶⁴

Садриддин Али ибн Носир Хусайн Сарахсий ўша даврнинг кўзга кўринган йирик олимлардан эди. Бу китоб билан танишгандан сўнг у Фаҳриддин Розийни олимларнинг бошлиғи ҳисоблайди ва бу асарнинг ҳар бир сатрини олқишлайди.⁶⁵

Фаҳриддин Розий мақтовларига арзийдиган даражадаги олим эди. У нафақат Садриддин Сарахсий, балки кўплаб ўша ва кейинги давр олимлари, масалан Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдул Салом Нидави, Озар Бекдили, Хидоят, А. Навоий ва бошқа кўзга кўринган олимлари томонидан эътироф этилган. Масалан, Озар Бекдили ўзининг “Оташқадаи Озар” асарида қуйидагиларни ёзади: “Фаҳриддин Розий сермахсул мутафаккир бўлиб, у ўзининг дунёқараши ва турли фан соҳаси бўйича билими билан бутун

⁶⁵ Ўша асар. 105- бет.

мусулмон мамлакатларида машхур эди”.⁶⁶

Фаҳриддин Розийнинг дунёқараши ҳақида Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-Нафоис” асарида ўз фикрларини билдириб ўтади: “У ўз даврининг энг йирик олими эди. Ва унинг замондошларидан ҳеч ким унинг даражасида бўла олмаган”. Демак кўриниб турибдики шоир, ғазал мулкининг султони ақилли ва зеҳинли вазир Алишер Навоий ҳам Фаҳриддин Розийни йирик олим, мутафаккир файласуф эканлигини асарида келтириб унинг билими ва дунёқарашига там беради.⁶⁷

Фаҳриддин Розий ўзининг “Ал Ҳамд” (“Олқиш”) китобида шундай деди: “Менинг Ал Ҳамд китобимдан минглаб саволларга жавоб топиш мумкин”.

Булардан кўриниб турибдики, Садриддин Сарахсий, Озар Бекдили, Навоийлар гувоҳлик берганидек, Фаҳриддин Розий ўрта асрларнинг буюк ва йирик файласуфларидан бири бўлган. Унинг ўткир зеҳни, кучли тили ва аъло даражадаги хотираси бор эди. У ҳар бир масалани аниқ равшан, бошидан охиригача ҳал қилиб берар эди. Хаттоки бирон бир касалликни аниқлаш ва ташхис қўйишда у бирон-бир ноаниқлик ёки хатоликга йўл қўймаган. У ўз қарашларини иккиланишларсиз ва кўркувларсиз номоён қиларди. У баҳсларга, мунозараларга тўлалигича устакорона равишда киришарди. Агар унинг рақиблари у билан баҳслашиб, қўйган саволларга жавоб бераолмасалар Фаҳриддин Розий уларни устидан кулар эди. Буни қуйидаги ҳикоядан ҳам кўришимиз мумкин: Ҳикоя қилишича бир куни кўплаб олимлар Фаҳриддин Розийни уйига тўпланишиб, баъзи илм соҳаларида баҳсга киришадилар. Ва бу баҳсда Фаҳриддин Розий ғалаба қилади. Фаҳриддин Розий баҳс қилинаётган масалани шундай илмий томонидан исботлаб берадики у ердаги олимлар устидан Фаҳриддин Розий инкор этиб бўлмайдиган ғалабага эришади.⁶⁸

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, Фаҳриддин Розий энг оғир шароитда ҳукмдорларнинг азоблари ва зўровонликлари, мусулмон ақидачиларининг иккиюзламачилиги кучайган дааврда яшади.

⁶⁶ Ўша асар. 24-бет.

⁶⁷ Ўша асар. 3-бет.

⁶⁸ Қаранг: Моил Херавий. “Шарҳи хол ва зиндаги..”, 232-бет.

У ўша даврдаги бошқа ўрта аср мутафаккирлари каби ҳукмдор табақани ҳам мусулмон мафкурачилари тарафдорлари бўлган. Лекин шунга қарамай у ўзидан аввалги илғор фикрли мутафаккирлар – Форобий, Закариё Розий, Ибн Сино, Умар Хайём, Абу Саҳл Масихийларнинг илмий ишларини давом эттириб, ўзининг илғор ижтимоий-фалсафий қарашларига эга эди. Фаҳриддин Розий уларнинг таълимотларини мутассиблардан ҳимоя қилиш билан биргаликда бу фикрларни ривожлантирган.

Билиш жараёнини ушбу тартибда деб ҳисоблаб, у уни мантиқ қонунларига бўйсундиради. Аммо ўзининг мантиқини тизимга солишдан олдин Фаҳриддин Розий “билим” тушунчасига тўхталади. Ҳар қандай билим, унинг таълимотига кўра, икки шаклда мавжуд бўлади: тасаввур ва тасдиқ. Бу шакллар воситасида моддий воқеликдаги ашёлар билан танишиш юз беради. “Билгинки, – деб ёзади у, – ашёлар икки йўл билан англонади: биринчидан, тасаввур йўли билан, иккинчидан, тасдиқ йўли билан”⁶⁹.

“Чаҳордах рисола” китобида шу муносабат билан Розий қуйидагиларни ёзади: “Билим икки хил турда бўлади: биринчиси – арабча “тасаввур” деб аталадиган тушунча, иккинчиси – арабча “тасдиқ” деб номланувчи ҳукм. “Жон” ва “ақл” биринчининг мисоли, “ёзувчи тирик мавжудотдир” эса иккинчининг мисоли бўлиши мумкин”⁷⁰.

Билимнинг бу турларидан ҳар бири Фаҳриддин Розийнинг таъкидлашича, ташқи оламни бевосита англаш йўли билан ва воситали англаш йўли билан олинган бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улардан исталгани ёки эгалланган, ёки эгалланмаган бўлади. Масалан, “ранг”, “ҳид”, “овоз”, “таъм”, “иссиқлик”, “совуқ”, “ғам”, “роҳат”, “чироқ ёниб турибди”, “кунлар ва тунлар бўлади”, “инсон ақлли ҳайвондир” каби тушунча ёки ҳукмлар ўз-ўзидан аён билимлар ҳисобланади, шунинг учун улар бевосита эгалланади ва исботга эҳтиёж сезмайди. Бироқ “борлиқ”, “мавжудмаслик”, “мавжудот”, “мавжуд бўлишлик”, “зарурият”, “имконият”, “бу тирик мавжудот ёзувчидир” каби тушунча ёки ҳукмлар аён бўлмаган билимлар ҳисобланади,

⁶⁹ Фаҳриддин Розий. Жомеъ-ул-улум, 188 бет.

⁷⁰ Чаҳордах рисола, 18-бет.

шунинг учун улар тафаккур йўли орқали эгалланади ва исботга эҳтиёж сезади.

Бу фикрларни ривожлантира бориб, Фаҳриддин Розий ундан кейин кўрсатадики, ҳар қандай билим қуйидаги усул билан англаниши мумкин: биринчидан, тафаккур воситасида, иккинчидан, тўпланган тажриба, кўникмалар ёрдамида. Бу икки йўл билан, дейди у, ҳар бир киши ўз мақсадига эришиши мумкин. Фаҳриддин Розий биринчи усул учун қуйидаги мулоҳазани келтиради: “Инсон ёзишни ўрганаётган пайтда қўли унга бўйсунмайди, шунинг учун у ҳарфларнинг ёзилишини пухта ўйлаб олган бўлиши керак”. Иккинчи усул учун: “Аммо агар котиб ҳар бир ёзадиган ҳарфи устида ўйланадиган бўлса, унда унга ёзиш қийин бўлади”⁷¹. Кўрамизки, бу ерда Фаҳриддин Розий фикрлаш билан бир қаторда, қисман англаш ёки билимларни эгаллаш жараёнидаги тажриба, машқ ва амалиётнинг ролини ҳам тилга олади.

Шундай қилиб, Фаҳриддин Розий билим турли хил йўллар билан қўлга кириттлар, деб ҳисоблайди: баъзан ҳиссиёт ва идрок воситасида, баъзан тафаккур асосида, аммо аксарият ҳолларда мантиқнинг шакллари ва қонунлари ёрдамида билим қўлга киритилди. Бироқ у таъкидлайдики, мантиқий шакллар ва қонунлар воситасида олинадиган билимлар ҳиссиётлар ёрдамида эгалланган билимларга қараганда мукамалроқ ва тўлиқроқ ҳисобланади. Мутафаккир ҳиссий аъзолар ёрдамида эмас, айнан уларнинг воситасидаги билимлар ҳақида гапирди, шунда у ёки бу ҳолатнинг ҳақиқати ёки ёлғонлигини аниқлаш ва ишончли билимларни эгаллаш мумкин бўлади. Шу муносабат билан у ёзади: “Ҳиссиёт, ахборот, маълумотлар ва нуқтаи назарлар аксарият ҳолларда хатога олиб келади. Худди шу сабабга кўра, улар бизга ҳар доим ҳам у ёки бу предмет ҳақидаги тўлиқ билимни бера олмайдилар. Улар ишончли ва ҳақиқий билим олишнинг асосий воситалари ҳисобланмайдилар. Ҳақиқий билим олишнинг асосий воситалари таъриф, қиёс, асослаш ва исбот ҳисобланадилар”⁷².

⁷¹ Фаҳриддин Розий. Жомеъ-ул-улум, 422-бет.

⁷² Жомеъ-ул-улум, 92-бет; Чаҳордах рисола, 3-бет.

Яна шуни қайд этиш кераки, унинг ижодида бир қатор яққол ифодаланган дунёнинг табиий-илмий, диний-илоҳиётчи, тасаввуфий фикрлар мавжуд. Лекин унинг асарларида ҳам маълум бир қарама-қаршиликларни ва чекланишларни кўриш мумкин. Аммо, энг асосийси, Фаҳриддин Розий ўзининг ақли ва билими ёрдамида мусулмон дини илоҳиёти, диний ақидаларга ақлий (рационалистик) ёндаша олиб, ўз ижтимоий фалсафий қарашларини ривожлантира олган.

III. Боб. Фаҳриддин Розийнинг “Мабоҳис ул-Мушриқия” асаридаги фалсафий ғоялар.

3.01. “Мабоҳис ул-Мушриқия”нинг қўлёзма нусхалари ва нашрлари, фасл боблари.

Дунё харитасига кўзим тушганда энг аввало хаританинг шарқий қисмининг марказида жойлашган жаннат макон юртимизни, яъни, Ўзбекистон деган ёзувни кўриб ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетаман. Чунки бу юртда қанчадан-қанча шоҳлар, кучли саркардалар, ақилли вазирлар, олиму фузалолар, файласуфлар, шоирлар, меҳнаткаш деҳқонлар, моҳир қурувчи усталар, ўз вақтида касбининг билимдонлари етишиб чиққанлиги ва ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда уларнинг ишларини давом эттириб келаётган садоқатли инсонларни кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда юртимизда дунёга кўз-кўз қиладиган тарихий бинолар, қадимги экспонатлар, нодир қўлёзмалар ҳозирги авлодларга сақланиб келинмоқда. Биз ёшлар буларни ўз холича кейинги авлодларга қолдиришимиз бизнинг вазифамиздир. Шарқ қўлёзмалар энг бой фонди дунёдаги камдан-кам мамлакатларда мавжуддир. Бу қўлёзма фондларидан бири мамлакатимизда бўлганлигидан ота-боболаримизга қанчадан-қанча таҳсинлар айтсак улар учун кам бўлади. Бу қўлёзма фондида қўлёзмаларнинг кўплиги мамлакатимиз тарихида олимлар, шоирлар, файласуфлар, тарихчилар ва бошқаларни илм соҳасида кўп изланишлар олиб борганлигини кўрамыз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фонди, дунёдаги энг бой қўлёзмалар хазинасидан биридир. У 2002 йил ЮНИСКО рўйхатида киритилган. Тарихга назар соладиган бўлсак 1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ташкил топди. Унинг қошида қўлёзмалар институти очилди. Институтга Навоий номи давлат кутубхонасидан 100 га яқин қўлёзмалар ўтказилди. Бундан аввал бу

қўлёзмалар туркистон Генрал Губернаторининг хузурида сақланар эди.⁷³

1950 йили қўлёзмалар институти Шарқшунослик институтига айлантирилди. Ходимлар сони кўпая бошлади. Халқ қўлидаги қўлёзмалар ҳам сотиб олина бошланди. 1956 йили институтга Абу Райхон Беруний номи берилди. 1934 йили Бухоро халқ республикаси ҳукуматининг қарори билан Бухорода сақланаётган ва Бухоро амрлигидан қолган қўлёзма ва босма китоблар ҳам Шарқшунослик институти хазинасидан жой олди.

Шундай қилиб, Қўлёзмалар фондидаги китоблар сони орта бошлади. Ҳозирги кунда қўлёзмалар фондида 26000 жилд қўлёзма китоб ҳамда 39000 мингдан ортиқ тош босма ва босма китоблар сақланмоқда.

Фонда араб, форс, ўзбек, турк, озарбойжон, татар, ҳинд урду ва бошқа тиллардаги асарлар авайлаб асралмоқда. Бу асарлар утмишдаги мавжуд бўлган барча фанларни ўз ичига қамраб олган. Ҳозирги кунда фонднинг энг қадимий китоби халифа хазрат Али даврида кучирилган ва терига ёзилган Қуръони Каримнинг бир варағидир. Энг охириги қўлёзмалар XX аср бошларига тегишлидир.

Биз кўриб чиқадиган қўлёзма “Мабоҳис ул-Мушриқия” дир. Бу қўлёзма XI – XII асрда яшаб ижод этган файласуф, мутакаллим Фаҳриддин Розийнинг асаридир. Бу асарни имконимиз борича кўриб чикдик. Қўлёзмалар фондида Фаҳриддин Розийнинг 20га яқин қўлёзмалари сақланиб келинмоқда.

Мисол келтирадиган бўлсак Фаҳриддин Розийнинг энциклопедик асари “Жомеъ ул-улим” дир. Бу қўлёзманинг инвентар рақами 10583 бўлиб, насх хатида форс тилида ёзилган. Унинг катталиги бўйига 24 см, энига эса 13,5 см, 31 жилддан ва 118 варағдан иборатдир.

Яна бир қўлёзмаси “Ҳадоиқ ул-Анвар фи-Ҳақоиқ ул-Асрор” бу қўлёзманинг рақами 10287 бўлиб, насталиқ ёзувда ва форс тилида ёзилган 21x13 см 17 жилд 127 варағдан иборат.

“Шарҳул ишорат ва танбехот” унинг рақами 4957 бўлиб, насх хатида араб тилида ёзилган. 25x14 см, йўли 23, варағи 163 тадир.

“Ниҳоят ул-Ақл” рақами 10129 бўлиб, унинг кучирувчиси Али бин

⁷³ Маҳмуд Хасаний. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фихризлаш. 2004 й. 2-5 бет.

Муҳаммад бин Али Насафийдир. Асар насх хатида, араб тилида ёзилган 18,5x14 см, йўли 21, варағи 200 тадан иборатдир.

Фаҳриддин Розийнинг ”Васиятнома”си ҳам 2213 раами бўйича сақланиб келинмоқда. Бу васиятнома тожик тилида ёзилган. 23,5x17 см, йўли 27, варағи 4 тадир.

Фаҳриддин Розийнинг бундай қўлёзмалари кўплаб учрайди. Имкони борича бир нечасини мисол келтирдик.

“Мабоҳис ул-Мушриқия”га келадиган бўлсак унинг 2432 рақамида сақланаётганлигини, кучирувчиси ҳақида маълумот берсак бу қўлёзми Али бин Муҳаммад томанидан 665 ҳижрий йилда эски хат, араб тилида кучирилган. Бу китоб катталиги бўйига 18 см, энига 14,5 см, йўли 21, варағи 257 тадир.

Бу қўлёзма асар муқоваси тери билан қопланган пишшиқ ишланган. Бу асарнинг устки қисмида уша даврнинг махсус муҳри билан нечанчи йили ёзилганлиги ва кимга тегишли эканлигини кўриш мумкин. Муҳр арабча ёзилган бўлиб, унда Фаҳриддин Розий “Мабоҳис ул-Мушриқия” ва арабча рақамда унинг йили ёзилган.⁷⁴

Мисол учун, “Мафотийҳ-ул-ғайб” (Тафсири кабир) қўлёзма асарининг 10 га яқин нусхаларини кўриш мумкин. Бошқа қўлёзма асарларининг ҳам бир неча нусхалари бор. Лекин “Мабоҳис ул-Мушриқия”ни фақат бир нусхадан иборат эканлигига амин бўлдик.

“Мабоҳис ул-Мушриқия” қўлёзма асарининг номини таржима қиладиган бўлсак, у “Мусулмон Машриқи файласуфлари билан баҳс-мунозаралар”, деган маъно келиб чиқади. Аниқроғи ”Мусулмон Машриқини файласуфлари билан баҳс-мунозаралар”.

“Мабоҳис ул-Мушриқия” урганиш натижасида 92 бобдан иборатлигини аниқладик. Боблари қизил ёзувда аниқ, тушунарли ёзилган ва ҳар бир боб икки, уч варағдан иборатдир. Биринчи бобни қўлимиздан келганича таржима

قحرادين الرالزي المباحاا المشرقية منسوخ ٦٦٥ خط عربيه ٢٥٧ ص 74

қилдик.

Қўлёзма аслида фалсафий асар бўлиб, “Мабоҳис ул-Мушриқия”ни Ибн Синонинг “Китоб ул-шифо”сига (“Тиб китоби”) тақлид қилган ҳолда ёзган. Қўлёзма асарида мавжудлик муаммоларини имкониятини, моҳиятини, бирлик ва кўпликни субстанция ва акциденцияни, сабаб оқибатни, ҳаракат ва замонни, шунингдек, соф илоҳиёт масалалари ҳақида фикр юритилган.

Фаҳриддин Розий “Мабоҳис ул-Мушриқияда атомизмни инкор этиш, перипатетик-файласуфларнинг таъсирсиз, олим фаолиятининг аввалларида бўлганлигидан далолат беради. Асарда атомизмни инкор этиши, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Фаҳриддин Розийнинг шахсий фикри эмас.

У ўзининг кўплаб китобларида бўлинмас зарра ва ягона материя ҳақидаги қарашларига қарамай у юқоридаги қараш тарафдори бўлган.

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, “Мабоҳис ул-Мушриқия”ни озгина қисмини очишга ҳаракат қилдик. Кейинги илмий изланишларда кўпроқ ва чуқурроқ киришамиз.

3.02. Фаҳриддин Розийнинг мантиқий қарашлари

Фаҳриддин Розийнинг мантиқий дунёқараши фалсафий қарашлари сингари ҳам юнон, араб, эронлик ва ўрта осийлик мутафаккирларни ўрганиш натижасида, ҳам ўзининг шахсий кузатишлари асосида шаклланган эди. Айниқса, Фаҳриддин Розий таълимотида Абу Али Ибн Синонинг таъсири сезилиб туради. “Ўзининг мантиқий таълимотида, – деб таъкидлайди профессор М. Н. Болтаев, – Фаҳриддин Розий ўтмишдоши Абу Али Ибн Синонинг мантиқий назариясидан келиб чиққан ва қайсидир даражада унинг таълимотини ривожлантирган”⁷⁵. Фаҳриддин Розий Ибн Синонинг “Ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот” ва “Мулаххас” каби асарларини ўқиб-ўрганган. У “Шарҳ-ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот Ибн Сино” ва “Шарҳи мулаххаси Абу Али” ишларида уларни илмий нуқтаи назардан шарҳлаган.

У Ибн Синонинг мантиқий назариясини юқори баҳолаган ҳамда унинг бузиб талқин қилинишига мурасасиз ёндашган. Бу борада Ибн Синонинг мантиқий таълимотини танқид қилган олимлар ҳақида ҳикоя қилувчи бизнинг кунларгача сақланиб қолган афсонада гувоҳлик берилади. “Айтишларича, Фаҳриддин Розий Бухорога келиши биланок Бухоро олимларидан бирининг Ибн Сино мантиқий китоби – “Ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот” ҳақида бир нечта танқидий, ҳеч нима билан асосланмаган мақолалар ёзганлигини эшитиб қолади. Ибн Синонинг танқидчиси Розийнинг Бухорога келганлиги ҳақида билиб, дўстлари ва шогирдларига ўзи томонидан ёзилган мақолаларни Фаҳриддин Розийга кўрсатмасликларини буюради. Бироқ Фаҳриддин Розий унинг шогирдларидан бирини авраб, мақолаларни қўлга киритади. Уларни бир кечада ўқиб чиқиб, у эрталаб ҳалиги олим ҳузурига келиб, дейди: “Эшитдимки, сен Ибн Синонинг мантиққа оид китоби – “Ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот” ҳақида бир нечта танқидий мақолалар ёзибсан ва ҳеч қандай бир асосиз китоб муаллифини унинг фикрларини абсурд ҳисоблаб, танқид қилибсан. Айтчи, сен қандай қилиб бунга журъат қилдинг? Ахир сен у буюк инсонни биласанку! Сен

⁷⁵ Болтаев М.Н., Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы, 213-бет

унинг таълимотини ҳаддан ташқари эркин шарҳлабсан ва уни бузибсан”. Унга жавобан: “Тахмин қилишимча, сен Фаҳриддин Розийсан”, дейди. “Ҳа, сенинг тахмининг тўғри – мен Фаҳриддин Розийман деб, унинг ёнидан кетади”⁷⁶.

Бироқ таъкидлаш керакки, Фаҳриддин Розий ўзининг мантикий таълимотида нафақат Ибн Сино концепциясидан, балки у фавқулодда синчковлик билан ўрганган ва шарҳлаган ишлари Аристотел ва Форобий таълимотларидан ҳам келиб чиққан эди. У ҳам Ибн Синога ўхшаб ўзини Аристотел ва Форобийларнинг шогирди ҳисобларди. Ўз асарларида Фаҳриддин Розий Аристотелнинг фалсафа фани ва мантик соҳасидаги улкан ҳиссасини таъкидлаб, “Мен умримнинг бир қисмини Аристотел асарларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга сарфладим ва унинг асарлари асосида ўзимнинг бир қанча асарларимни таълиф этдим”. Худди шу фикрларни Фаҳриддин Розий шеърий шаклда ҳам ифодалаган:

“Гарчи биз кўрмадик сени, олимлар сардори,
Вале барчамиз сенинг ишинг ортидан бордик.
Дўстларнинг шарафила қасам ичамизки, биз
Сендаги ҳақиқатга озмунча йўл изламадик”⁷⁷.

Бу мисоллар шундан гувоҳлик берадики, Фаҳриддин Розий ижодий жиҳатдан ривожланган, қадимги ва ўрта асрлар илм-фан намояндаларининг алоҳида фалсафий ва мантикий асарларини ўрганган ва тадқиқ қилган эди.

Фаҳриддин Розий ўз ўтмишдошларининг фалсафий ва мантикий улкан таъсирлари остида бўлсада, бироқ у улардаги таълимотларининг кўр-кўрона давомчиси бўлмади.

Бу ҳақда афғон олими Моил Херавининг айтганлари шоҳидлик беради: “Бу даврнинг барча олимлари, – деб ёзади у, – икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳга ўтмишдош мутафаккирларнинг таълимотларини тамомила тўғри деб тан олиб, уларга тўлиғича тақлид қилган олимлар мансуб эди. Иккинчи гуруҳга ўзларидан олдинги мутафаккирларнинг меросларига

⁷⁶ Ибн Сино. Ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот. (Кириш), Техрон, 1960. 21 – 22 бет.

⁷⁷ Чаҳордах рисола. 144 бет.

танқидий ёндашиб қолмасдан, уларнинг таълимотларини рад қилиб, сўнгра ўзларини аллома-донишманд ҳисоблаган олимлар мансуб эди. Фаҳриддин Розийга келадиган бўлсак, у бу икки гуруҳ олимлар орасида алоҳида мавқени эгаллаган эди. У ўтмишдош мутафаккирларнинг таълимотларига кўр-кўрона тақлид қилмади ҳамда уларнинг илмий меросини тўлиғича рад қилмади, балки аксинча, уларга танқидий ёндашди, уларнинг таълимотларидаги баъзи асоссиз томонларини асосланган далиллар асосида танқид қилди ва ўзига хос асарлар яратди”⁷⁸.

Шулардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Фаҳриддин Розий нафақат фалсафа соҳасида, балки мантиқ соҳасида ҳам мустақил ва ўзига хос олим эди. У шарҳлар билан бир қаторда, мантиқнинг у ёки бу масаласига тааллуқли бир нечта мустақил асарлар ҳам ёздики, бу мантиқ фанининг кейинги тараққиётини таъминлади ва унинг давомчиларининг кўпгина қарашларида ғоятда ижобий таъсир кўрсатди. Бу таъсир Али ал-Имодий, Асириддин Абхари, Носириддин Тусий, Қутбиддин Тафтазоний ва бошқа мутафаккирлар асарларида яққол намоён бўлади.

Фаҳриддин Розийни мантиқий фикрнинг вакили сифатида тавсифлаб туриб, Моил Херави шундай ёзади: “Фаҳриддин Розий фалсафа бўлимларини батафсил ва чуқур ўрганган ўз даврининг ягона файласуфи эди. У мантиқни шунчалик чуқур ўрганган ва билар эдики, унинг замондошларидан бирортаси ҳам унинг даражасига эриша олмаган эди. Унинг мантиқ бўйича рисолалари ажойиб, ифодалидир, уларга баравар келадиган йўқ”⁷⁹. Унинг рисолаларидан баъзи бирларинигина санаб ўтаемиз: “Мантиқ-ул-кабир” (“Мантиқ бўйича катта китоб”), “Китоб ф-ил-абтол-ул-Қиёс” (“Абсурд силлогизмлар ҳақида китоб”), “Абтол-ул-қиёс” (“Нотўғри силлогизмлар”), “Рисолат ф-ил-аълам-илмаони мушоҳабат” (“Мушаббиха маъно-моҳият ҳақида рисола”), “Рисолат ф-ил-илкайфият-ул-худус-ул-хуруф” (“Сўз тузилишининг усуллари ҳақида рисола”), “Рисолат ф-ил-савол” (“Саволларнинг [англаш жараёнида] аҳамияти ҳақида рисола”). Бундан ташқари, фалсафий ишлар қаторида,

⁷⁸ Моил Херави. Шарҳи ҳол ва зиндаги, 18 сах.

⁷⁹ Ўша асар, 3 сах.

шунингдек, мантиқ масалаларига ҳам дахл қилинади. Бу “Чаҳордах рисола” ва “Ар-рисолат-ул-камолия-ф-ил-хақоик-ул-илоҳия” ва бошқалар.

Шубҳасиз, Фаҳриддин Розийнинг мантиқий мероси фалсафий мероси сингари ҳар тарафлама ўрганишга арзийди. Бироқ унинг асарларидан анчаси изсиз йўқолган, сақланиб қолганларининг ҳаммаси эса барчага очик ҳолда эмас, улар хорижий мамлакатлардаги, асосан, Эрон, Миср, Афғонистондаги шахсий ва умумий кутубхоналарда жойлашганлиги унинг меросини ўрганишни қийинлаштиради. Мана нима учун биз Фаҳриддин Розийнинг мантиқий қарашларидаги баъзи бир аспектларни мантиқ масалаларига тааллуқли бизга маълум асарлари, хусусан, “Жомеъ-ул-улум”, “Чаҳордах рисола”, “Шарҳ-ат-Танбеҳот-в-ал-Ишорот” ва “Ар-рисолат-ул-камолия -ф-ил-хақоик-ул-илоҳия” асосида ёритаяпмиз.

“Жомеъ-ул-улум” китобида қуйидаги боблар мавжуд: “Илм-ул-мантиқ” (“Мантиқ ҳақида илм”), “Илм-ул-таъбир” (“Таъбирлаш ҳақида китоб”), “Илм-ул-далоил-ул-эъжоз” (“Билимларнинг мўъжизасини исботлаш ҳақида китоб”), “Илм-ул-фаросат” (“Мулоҳазакорлик ҳақида китоб”), “Илм-ул-хилофият” (“Қарама-қаршилиқлар ҳақида китоб”), “Илм-ул-жадал” (“Баҳслашув ҳақида китоб”), “Илм-ул-иштиқоқ” (“Сўз тузилиши ҳақида китоб”). Буларда мантиқ ва унинг аҳамияти ҳақида, тушунча ва ҳукм ҳақида, хулоса ва аналогия ҳақида, сўз, тил ва исбот ҳақида алоҳида маълумотлар келтирилади. “Чаҳордах рисола” ва “Шарҳ-ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот” китоблари тушунча, ҳукм ва мантиқнинг баъзи бошқа масалаларига бағишланган. Шунингдек, “Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-хақоик-ул-илоҳия” рисоласи мантиқ масалалари бўйича кенг маълумотлардан таркиб топган. У иккита катта бобдан ташкил топган. Биринчиси – “Мантиқ” (“Мантиқ”), иккинчиси – “Илм-ул-калом” (“Илоҳиёт”). “Мантиқ” боби ўнта бўлимга тақсимланган: биринчи – “Дар исоғучи” (“Мантиққа кириш”), иккинчи – “Дар таърифот” (“Таърифлар ҳақида”), учинчи – “Дар қозия” (“Қатъий ҳукм ҳақида”), тўртинчи – “Дар анвои қозия” (“Қатъий ҳукм турлари ҳақида”), бешинчи – “Дар танокуз” (“Мантиқий қарама-қаршилиқлар ҳақида”), олтинчи – “Дар акс” (“Ҳукмларнинг ўзгариши ҳақида”), еттинчи – “Дар қиёс”

(“Қиёс усули ёки силлогизм ҳақида”), саккизинчи – “Дар мухталитот” (“Аралаш силлогизмлар ҳақида”), тўққизинчи – “Дар шартият” (“Шартли силлогизмлар ҳақида”), ўнинчи – “Дар бурҳон” (“Исбот ҳақида”).

Айтиб ўтилган асарларда Фаҳриддин Розий етарли даражада тўлиқ ўз мантиқий таълимотини баён қилиб берган. Ўтмишдош мутафаккир-мантиқшунослар каби у ҳам ўзининг мантиқий таълимотини англаш масаласини кўриб чиқишдан бошлаган, кейин эса мантиқнинг шакллари ва қонунларига келган. Унинг таълимотига мувофиқ, англаш ҳиссий қабул қилишдан идрокка, ундан тасаввур, тушунча, фикр-мулоҳаза (мавҳум фикрлаш) га изчил йўл билан ўтади. Предметлар ва нарсалар реал воқеликда шундай тушунилади ва англонади. “Ташқи олам нарсалари, – деб ёзади у, – ёки ҳиссиёт воситасида, ёки идрок ёрдамида, ёки ахборотлар натижасида, ёки таъриф, тавсиф, қиёслаш, исбот ва ҳукм асосида тушунилади”⁸⁰.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Розий мантиқни икки қисмга тақсимлаган: тасаввур ва тасдиқ. Биринчи бўлимга тушунча ва таъриф назарияси мансуб, иккинчига эса – ҳукм, исбот ва хулосалар назарияси мансуб.

Мантиқ унинг таълимотига кўра, тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги, ҳақиқат ҳақидаги, ишончли, ҳақиқий билимларни эгаллаш ҳақидаги фандир. Мантиқнинг бундай таърифини биз “Жомеъ-ул-улум” китобининг “Илм-ул-мантиқ” бўлимида ва “Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-ҳақоик-ул-илоҳия” рисоласининг “Мантиқ” бобида, шунингдек, “Чаҳордах рисола” китобида учратамиз.

Фаҳриддин Розийнинг таъкидлашича, мантиқ инсон ақлини ҳар қандай хато ва адашишлардан огоҳ этувчи ва асровчи қурол ёки асбоб ҳисобланади. Бу фан фикрнинг ёлғон ёки ҳақиқатлигини, ишончли ёки ишонарсизлигини, яъни тушунча, ҳукм ва хулосаларни аниқлайди. Мантиқнинг мақсад ва вазифалари тўғри, ҳақиқий ва англашилмовчилик ва хатоларга йўл қўймаслик мақсадида инсоннинг ақли қайси қоидалар билан боришлиги кераклигини кўрсатишдан иборат бўлади. “Билгинки, – деб ёзади у – агар биз

⁸⁰ Чаҳордах рисола, 55-бет.

айтсак: “барча инсонлар ҳайвонлардир”, ва “барча инсонлар турлардир”, унда биз бу икки далил бўла оладиган ҳукмдан умумий хулоса чиқарамиз: “барча ҳайвонлар турлардир”. Демак, агар далил бўла оладиган ҳукмнинг жойлашувидаги тартиб тўғри бўлса, унда ҳосил қилинадиган хулосалар ҳам тўғри бўлиши керак. Бироқ бу икки далил бўла оладиган ҳукмдан биз тўғри хулосани ололмадик, чунки улар бир-бирига зид бўлаяпти”⁸¹.

Демак, билиш жараёнида ҳақиқатга эришилиши учун Фаҳриддин Розий нуқтаи назари бўйича, қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур: биринчидан, унинг асосида хулоса қилинадиган дастлабки ҳукмлар (далил бўла оладиган) чиндан ҳам ҳақиқий бўлиши лозим, иккинчидан, ҳукмлар муносабати, уларнинг тузилиши тўғри бўлиши лозим. Бу шартлардан бирининг бузилиши бизнинг фикримизнинг натижаси ҳақиқий бўлмаслигига етарли.

Шундай қилиб, Фаҳриддин Розий мантиқни ҳақиқат ва ёлғонни таққослайдиган ёки аниқлайдиган асбоб, восита, хато хулосадан тўғри хулосани ва ёлғондан ҳақиқатни ажратиш учун ўлчов деб тўғри атайди. Бу билан у билиш жараёнида тафаккурнинг шакл ва мантиқий қонунларига риоя қилишни бутунлай зарурийлигини ва муҳимлигини таъкидлайди.

Унинг таълимотига мувофиқ, мантиқнинг педмети маълум тушунчалар ва мулоҳазалар, негаки, улар онгга номаълум тушунчалар ва мулоҳазаларни олиб келади. Бошқача сўз билан айтганда, мантиқнинг предмети таъриф ва исботдир, чунки айнан таъриф ва исбот ёрдамида у ёки бу тушунча ёки ҳукмнинг, бир сўз билан айтганда, исталган билимнинг ҳақиқат ёхуд ёлғон эканлигини аниқлаш мумкин. Бу фикр унинг қуйидаги мисоли билан тасдиқланади: “Зайд ёзувчидир”. Бу ерда икки тушунча бор: “Зайд” ва “ёзувчи”, шунингдек, таъкидловчи “дир” юкламаси. Зайднинг ёзувчи эканлигини аниқлаш учун Фаҳриддин Розийнинг айтиши бўйича, биринчидан, “Зайд” ва “ёзувчи” тушунчаларини аниқлаштириб ёки аниқлаб олиш лозим, иккинчидан, улар ҳақида муайян билимларга эга бўлиш лозим, ана ундан кейингина Зайд ёзувчими ёки йўқлигини муҳокама қилиш

⁸¹ Фаҳриддин Розий. Жомеъ-ул-улум, 30-бет.

мумкин⁸².

Шундай қилиб, келтириб ўтилган мисоллар шундан гувоҳлик берадики, мантиқ – маълум асосида номаълумни англаш услублари ҳақидаги фан, ёки бўлмаса, бошқача қилиб айтганда, мантиқ – бу ҳақиқатни англаш ва аниқлаш ҳақидаги фан. Бундан келиб чиқадики, формал хулоса мантиқнинг предмети ҳисобланади. Инсоннинг ихтиёрида мавжуд бўлган тушунча ва ҳукмлардан янги билимларнинг тагига етиш – мантиқни ўрганишнинг предметиدير.

Фаҳриддин Розийнинг фикрига кўра, ашъёларни тўлиғича англаб етиш мумкин. Ҳар бир соғлом фикрловчи инсон у ёки бу предмет ҳақида муайян билимга эга бўлади. Аввалдан мавжуд билимлар ва шахсий тажрибалар асосида инсон анланмаган, номаълум ашъёларни англайди. Англаш жараёнида у анлангандан анланмаганга, билимсизликдан билишга, нотўлиқ, ноаниқ билимдан тўлиқ ва аниқ билимга, нотўғри, номукаммал билимдан тўғри ва мукаммал билимга ўтиб боради. “Ҳар бир киши, – деб ёзади Фаҳриддин Розий, – у ёки бу предмет ҳақида билади. Ҳамда шу унга анланган предмет бошқа бир предметни англаш учун хизмат қилади”⁸³. Фаҳриддин Розий тажриба деганда кузатув, ҳиссий қабул қилишни тушунарди.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ – бу фикрнинг шакллари ва қонунлари ҳақидаги, таъриф ва исбот ҳақидаги, ҳақиқий билимни олиш ва аниқлаш ҳақидаги, ҳақиқатни асослаш воситаси ҳақидаги, атрофимиздаги оламни англаш ҳақидаги фандир. Айнан шунда Фаҳриддин Розий таълимотининг мантиқий ва гносеологик қиммати таркиб топади, негаки, ислом тарафдорлари, илоҳиётчилар, сўфийлар ва мутакаллимлар мантиқни дин масалаларини мустаҳкамлашга бўйсундиргандилар. Улар бу фаннинг асосий вазифасини оламни англашда эмас, балки сунъий йўл, формал мантиқий найранг билан расмий диний мафқуранинг ҳимоясида кўрдилар. Масалан, йирик ўрта аср илоҳиётчиларидан бири, илғор ғояларнинг кучли мунақиди Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий мантиқ машғулотидан келиб

⁸² Чаҳордах рисола, 18-бет.

⁸³ Фаҳриддин Розий. Ар-рисолат-ул-камолия, 59-бет.

чиқадиган оқибатларнинг ислом учун хавфини кўрсатиб, дейди: “Мантиқшунослар ўз фанларида бир катор адашишларга учрайдилар, уларнинг адашишлари шундаки, улар исботни ўзларининг гумони бўйича ишончли билимни бериши керак бўлган кўп сонли шартлар билан боғлайдилар. Бироқ мантиқшуносларнинг диний предметларга етиб боришлари лозим бўлади, чунки улар ўзлари бу шартларни бажаришга қодир эмаслар, ўзлари томонидан таклиф этилган ҳолатлардан кўп чекинишлар қиладилар. Балки қандайдир киши мантиқни маъқуллаган ҳолда ёндошиб, бу фанни кўриб чиқиб ва уни аниқ ҳолда деб билиб, мантиқшунослардан келиб чиқадиган барча нарсаларнинг ҳам бидъатлар каби худди шундай исботлар билан мустаҳкамланганлигини ўйлаши мумкин, шундай бўлган тақдирда у метафизикагача бўлган лаҳзани кутмасдан ўзи бидъатчи бўлишга ошиқади. Бу – бундай инсонга дафъатан кутилмаганда келган яна бир бадбахтликдир”⁸⁴.

Бошқа бир мусулмон илоҳиётчиси Аш-Шаҳризурий фалсафа ва мантиқни ўрганиш ҳақида гапириб, ёзади: “Фалсафа – бу аҳмоқлик ва ажралиш манбаси, довдираш ва адашиш асоси, бу – бўйин товлаш ва бидъат бошланадиган манзил.

Мантиқ фалсафанинг кириш қисми ҳисобланади, ёвузликнинг кириш қисми ҳам ёвузликдир, шунинг учун уни ўрганиш ва ўқитиш қонунчилик томонидан таъқиқланади... Шариат ҳолатларини ўрганиш пайтида мантиқий атамаларга келадиган бўлсак, у – ўта ярамас разолат. Султон бу шайтонларнинг ёвузлигидан ҳимоя қилиши, уларни мактаблардан ҳайдаши, уларни бадарға қилиши, ушбу ҳунар билан машғул бўлган кимсаларни жазолаши, уларнинг алангасини ўчириш ҳамда уларнинг изларини ва уларнинг фанлари изини йўқотиш мақсадида файласуфларнинг ақидаларига очиқчасига ишонган кимсаларни эса қатл қилиши ёки тавба қилишга мажбурлаши керак”⁸⁵.

Биз кўриб чиққанимиздек, мусулмон илоҳиётчилари мантиқ илмини

⁸⁴ Қаранг: Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII – XII вв. М., 1960, 226-бет.

⁸⁵ Қаранг: Ал-Фахури К.Н. ва Ал-Джарр. История арабской философии, т. II, 55-бет. (араб тилида).

нафақат улкан ёвузликка йўл очадиган машғулот сифатида кўрдилар, балки жинойтга олиб борувчи восита сифатида ҳам кўрдилар.

Фаҳриддин Розийнинг фалсафий ва мантикий қарашларининг барчасини жамлаб, хулоса қилиш мумкинки, у гарчи ўзининг тарихий чекланганлиги сабабидан мавҳум мавжудлик сифатидаги Худо ҳақидаги тасаввурдан озод бўла олмаган бўлсада, у ташқи оламнинг реал мавжудлигига нисбатан илғор ғояларни ва уларни билиш мумкинлиги, материя ва ҳаракатнинг объективлиги, макон ва замон, реал воқеликдаги ҳодиса ва ашъёларнинг ўзаро алоқадорлиги, мантиқнинг шакллари ва қонунлари, ҳақиқатни англаш ва унга эришиш жараёнида ҳиссиёт аъзолари ва ақлнинг роли ҳақида анчагина қимматли фикрларни билдирган. Фаҳриддин Розий бу билан ўрта асрлар илм-фан ва маданияти келгусидаги тараққиётга улкан ҳисса қўшган.

Фаҳриддин Розийнинг ўрта асрлар фалсафасидаги ўрнининг бебаҳо эканлиги яна шунда кўринадики, у яшаган даврда ислом тарқалган катта ҳудудларда тасаввуф кенг тарқалиб, кишиларни турли хил мантикий фикрлашдан узоқлаштириб, транс ҳолатида жазавага тушиб, ноақлий йўл билан ҳақиқатга эришишни даъво қилаётган сўфийлик тариқатлари қарашларига қарама-қарши эди. Унинг бу йўли ўзидан олдин ўтган Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби рационал йўл билан ҳақиқатга эришишни кўзлаган мутафаккирлар йўли эди.

Шу ўринда Фаҳриддин Розийнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссасини алоҳида тилга олиш жуда ўринли бўларди. У ислом илоҳиётчилари диний аҳкомларни зўр бериб тарғиб қилиб турган бир дамда ўтмишдош мутафаккирлар асарларини ўрганди ва келажак авлодларга ўзидан хазинани қолдиришга муваффақ бўлди.

Хулоса

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, шарқ диний-фалсафий тафаккурининг энг таниқли вакили, араб-мусулмон тафаккурида, калом таълимоти тараққиётида Фаҳриддин Розий алоҳида муҳим ўрин тутди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Фаҳриддин Розий ҳозирги Ўзбекистоннинг деярли барча худудларида яшаган, таълим олган дарс берган, турли диний мазҳаблар, фалсафий мактаблар вакиллари билан қизгин баҳс-мунозараларга киришган.

Кўпинча ўзининг ақлий салоҳияти, ўткир нотик, воъизлик, хатиблик санъати туфайли кескин, қатъий ғалабаларга эришган. Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизда ўзига хос из қолдирган, ҳаттоки номи, аъмоллари халқ орасидаги тазкираларда ҳозирги кунгача тилдан-тилга, китобдан китобга кўчиб юрибди.

Ҳозирги кунда Туркманистонга қарашли Тошҳовуз вилоятида Фаҳриддин Розий мақбараси сақланиб қолган. Шу кунда ҳам халқ, Фаҳриддин Розийга юксак ҳурмат эҳтиром кўрсатиб бу муқаддас жойга зиёратга келадилар.

Бунинг устига илмий, айниқса фалсафий-тарихий, адабиёт ва тариқатлар орасида қомус маълумотномаларда баъзи мухтасар маълумотларни ҳисобга олмаганда Ўзбекистонда, Марказий Осиё минтақасида Фаҳриддин Розий илмий-фалсафий, каломий ва дунёқараши меъроси ва баҳс-мунозаралари деярли ўрганилмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Ана шу жиҳатларга кўра Фаҳриддин Розий дунёқараши, илмий-фалсафий, диний каломий меъросини ва баҳс-мунозараларини ўрганиш, илмий назарий ва амалий жиҳатларга кўра ўта долзарб муаммодир.

Фаҳриддин Розий ҳақида минтақамизда янги замонга хос тадқиқотлар А.А. Семенов, А.Э. Шмидт С.Мирзаевлар томонидан XX аср бошларининг биринчи чорагида ёритилган эди. Кейинчалик 70-90 йилларда С.Н. Григориян, М.Н. Болтаев, А.Рзаев, Н.Наимов, Н.А. Кулматов, А. Зоҳидовлар асарларида Фаҳриддин Розий меъроси дунёқараши бир мунча яхшироқ ёритилди.

Бироқ Фаҳриддин Розий фалсафий дунёқараши меъроси ва баҳс мунозараларини хорижий Шарқ ва Ғарб олимлари М. Шариф, С.Х. Наср, Афғонистонлик, Эронлик ва Туркиялик олимлар яхши тадқиқотлар яратганлар. Бироқ уларнинг кўпчилиги бевосита фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишни эмас, асосан адабиётшунослик, тарихшунослик йўналишидадир.

Фаҳриддин Розий дунёқараши шаклланган XII-XIII асрлар Марказий Осиё халқлари тараққиётида туб бурилиш даври бўлган эди. Шунинг учун ҳам Фаҳриддин Розий фалсафий дунёқараши меъроси ва баҳс-мунозаралари жуда мураккаб ва зиддиятли ғояларга эга. Уни гоҳ мутакаллим, гоҳ суфий, гоҳ эса шийа ёки мутазила таълимотларига хайрихоҳ деб атаганлар.

Диссертация режасидаги фасллар бўйича хулосалар қисқа-қисқа санаб чиқилишлари.

Фаҳриддин Розий Борлик, унинг таркиби, уни билиш масалаларида ёзган ўнлаб асарларида Борлик ҳақида расмий сунний ислом – “Аҳли сунна ва жамоъа” таълимоти доирасида анчагина ҳақиқий илмий-холис, рационалистик концепцияни яратган.

Фаҳриддин Розий фанлар класификацияси ҳақидаги таълимотини яратган (“Жомеъ ул-улум” ва бошқалар) ва бизга ўша давр фанлари, шу жумладан фалсафа фанининг савияси, аҳволи ҳақида асосли хулоаларга келиш имконини берди.

Фаҳриддин Розий очик диний-мазҳабий, илмий-фалсафий баҳс-мунозаралар фаол олиб борган, Воъизлик, Хатиблик, Софистик методларни кенг қўллаган. Бу тарихий тажриба бугунги Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақасида диний ақидапарастлик ва жаҳолатпаратликка қарши курашда асқотиши қўл келиши мумкин.

Албатта, биз амалга оширган ушбу магистрлик диссертация илмий ишимиз мавзунинг барча таркибий ва функционал йўналиш, муаммоларни тўлақонли адекват қамраб олиш вазифасини бажаришга даво қилаолмайди. Лекин, Фаҳриддин Розийнинг ватанимиз – Ўзбекистон ҳудудида илмий фалсафий, диний-тасаввуфий, каломий тафаккур тараққиётида тутган муҳим

ўрни борлигини, унинг ўта ибратомуз, мўжизакор салоҳиятини халқимизга, айниқса ёш авлодга наъмуна сифатида етказилса фойдадан холи бўлмас эди.

Бу мутафаккир ҳаёт йўли, илмий-фалсафий, диний-тасаввуфий, фалсафий дунёқараши меъросини чуқур ва ҳар томонлама кенг урганиш, тадқиқ этишни кун тартибига қўйиш, улардан ҳозирги кунда “Фалсафа”, “Шарқ фалсафаси”, “Диншунослик” ва шу каби фанлар соҳасида ўқув қўлланмалари тузиш, махсус курслар ўқишда фойдаланиш ўринли бўлган бўлар эди.

Айниқса бўлғуси шарқшунос файласуфларга Фаҳриддин Розийнинг ҳаёт йўли, илмий ижоди ва меъроси, ижтимоий сиёсий фаолияти, фалсафа ва каломга қўшган ҳиссасини ҳар томонлама, мукамал ўрганишни давом эттириш, турли дарслик, ўқув қўлланмаларга киритиш яхши самара бериши мумкин деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов Ислон Абдуғаневич. XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент. Ўзбекистон 1997. 34-бет.
2. Каримов Ислон Абдуғаневич. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Том. 7. Тошкент – Ўзбекистон. 1999 . 132-134 бет.
3. Каримов Ислон Абдуғаневич “Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2009, 38-бет
4. Каримов Ислон Абдуғаневич. “Ўзбекистон Буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон 1998, 524-526 бет.
5. Каримов Ислон Абдуғаневич. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. Ўзбекистон 1992, 72-бет.
6. Каримов Ислон Абдуғаневич. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. том 7. Тошкент: Ўзбекистон 1999. 132-134-бет.
7. Ан-Насавий. Султон жалолиддин Мангуберди.-Тошкент: 1999, 16-бет.
8. Ибн Сино. Ат-Танбеҳот в-ал-Ишорот. (Кириш), Техрон, 1960. 21 – 22 бет.
9. Ибни Халдун. Мукаддима, Техрон, 1959, 957 сах.
10. Ислон энциклопедия. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2004.65-бет.
11. Қодиров М. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. Тошкент: Шарқ нашриёти 2004. 175-бет.
12. Маҳмуд Хасаний. Шарқ қўлёмаларини тавсифлаш ва фихризлаш. 2004. 2-5 бет.
13. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.-Тошкент, 1994. 125-бет.
14. Муҳаммад Солеҳ аз-Заркон. Фаҳриддин Розий..., Кохира, 1963. 616 сах
15. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илимлари. Ад-дурар ал-комина. 1-ж. 304-бет.
16. Саид Муҳаммад Боқирий Сабзаворий. Фаҳриддин Розийнинг “Ар-

- рисолат ул-камолия фил-хақоик ил-илохия”, китобига ёзилган
”Сўзбоши” Техрон, 1957, с. 22.
17. Усмонов. М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. Тошкент: Ўзбекистон. 1975. 24-бет.
18. Усмонов. М.А. Фалсафий қомусий луғат. Тошкент. 325-326 бет.
19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат имий нашриёти. Тошкент: 2005. 210-бет.
20. Шибилӣ Нўмонӣ. Таърихи илм калом, Техрон, 1350, 53-63 бет;

Рус ва бошқа тиллардаги адабиётлар:

21. A history of Muslim philosophy V. 1, 1963, p. 655.
22. Fakhry Majid. A history of Islamic philosophy, p. 355.
23. The encyclopaedia of Islam., V. 2, Leiden-London, 1965, p. 751-752.
24. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ар Раванди. “Рохат ус-судур ва оят ус-сурур” Техрон. изд. Иқбол. 209-285 сах.
25. Алисғар Ҳалабий. Тарихи фалсафаи Эронӣ, 521-522-бет
26. Ал-Фахури К.Н. ва Ал-Джарр. История арабской философии, т. II, 55-бет. (араб тилида).
27. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Син и его школ, Душанбе, 1965 с.188
28. Гиёс ул-луғат. Изд. Компур (Индия), 1335 г. Хижрӣ. с. 365
29. Горделевский. Государство Малой Азии, изд. АН СССР, М-Л, 1941. с. 35.
30. Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII – XII вв. М., 1960, 226-бет.
31. Забехулло Сафо. Таърихи улуми ақлий дар тамаддуни исломӣ, ч. 1. Техрон, 1957, с.142-143.
32. Зиё Буниятов. Государство Хорезмшахов-Ануштегенидов. М., 1986, с.
33. История народов Узбекистон. Том-1. 1950. с. 36
34. Кулматов Н.А. Фахриддин Розӣ. (Краткий анализ философской

- концепции) Душанбе-1980 5-21 бет
35. Материалы научной сессии Академии Наук Уз.ССР. посвященной 1000-летию Ибн Сины. Ташкент. 1953. с. 29.
36. Моил Херавий. Шархи хол ва зиндаги... 1 сах.
37. Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддина Розы Канд. Дис., Ташкент, 1971, с.53-185.
38. Низами Ганджави. Сокровища тайн, Баку. 1947. с. 67.
39. Фахриддин Гургоний. Вис ва Ромин. Техрон. 1314. хижрий йил, 8 сах.
40. Чахордах рисола. Техрон, 1340.г. Хижрий, 145 сах.
41. Эҳсон Табарий. Бархе баррасихо дар бораи чаҳонбиниҳо ва чунбишҳои иҷтимоӣ дар Эрон. 1970, 208 сах.
42. قحرادين الرازي المباحث المشرقيه منسوخ ٦٦٥ خط عربيه ٢٥٧ ص

Интернет сайтлари:

43. <http://www.britannica.com/eb/article.9078218>.
44. <http://www.fordham.edu/halsal/source/1130/ROZI.htm>
45. <http://www.wikipedia.org>
46. <http://www.understandingislam.com>
47. <http://www.Google.co.uz>

